

**1ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Нусратов Анвар Неъматжонович

**Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик
технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари
(бошланғич таълим мисолида)**

**5A1109101 – Педагогика мутахасислиги бўйича магистрлик
диссертацияси**

БУХОРО – 2015

МУНДАРИЖА

КИРИШ

I. Илғор замонавий педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари бўйича миллий таълим тизимдаги мавжуд муаммолар ва имкониятлар

1.1. Ўзбекистонда ривожланган Осиё давлатларидаги педагогик технологиялар психо-дидактик асосларининг ўрганилганлик даражаси.

1.2. Ривожланган Осиё мамлакатлари (Корея, Хитой, Япония) замонавий педагогик технологияларининг Ўзбекистон таълим тизимида қўлланилиш ҳолати.

1.3. Бошланғич синфларда ривожлантирувчи таълим технологияларини қўллашнинг психо-дидактик асослари илмий ва амалий концепцияси.

II. Ўзбекистонда бошланғич таълим босқичида ривожланган Осиё давлатлари педагогик технологияларини қўллашнинг амалий шарт-шароитлари

2.1. Япония бошланғич таълим босқичида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослар.

2.2. Жанубий Корея бошланғич таълимида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослар.

2.3. Хитой бошланғич таълимида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослар.

III. Ўзбекистон бошланғич таълими жараёнида ривожланган Осиё давлатлари илғор технологияларини қўллашга оид тажриба-синов ишлари ва уларнинг самарадорлиги

3.1. Ривожланган Осиё давлатлари илғор педагогик технологияларини бошланғич таълим жараёнига қўллаш шарт-шароитлари.

3.2. Ривожланган Осиё давлатлари илғор педагогик технологияларини бошланғич таълим жараёнига қўллашга оид тажриба синов ишлари самарадорлик даражалари

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбек халқи маданияти ва маорифи дунё тамаддуни занжирида ўзига хос бир бетакрор бўғин ҳисобланади. Яқин Шарқ маданияти тарихида Миср Месопотамия, Европа халқлари маданияти тарихида Юнон – Рим, Жанубий – Шарқий Осиё маданияти тарихида қадимги Хинд – Хитой марказлари шакллантирувчи кучли пойдевор бўлган бўпса, Ўзбекистон ҳам Марказий Осиё маданияти ва маорифи тарихий тараққиётида айнан шундай марказ ҳисобланади. Жуда қадимдан шаклланиб келган машҳур «Буюк Ипак йули» Осиё халқларини ўз савдо – сотиқ ва маданий алоқалар орбитасига тортиб, уларнинг ҳар бири миллий ўзлигида ўзига хос изларини қолдирган. Шундай қадимги ноёб излардан бири бу таълим – тарбия соҳасидир. Бизнинг миллий таълим – тарбия анъаналаримиз илдизлари жуда узоқ ўтмишга бориб тақалади ва у ўзидан кейинги авлодларга бетакрор бой маърифий мерос қолдиргандир. Минг йиллар давомида ҳар бир авлод таълим – тарбия соҳасида ўз даврида албатта бир ноёб ўзгаришлар ва тажрибаларни амалга ошириб келган. Бу тарққиёт ўзгаришлари бошқа халқлар билан, бошқа йирик маданият ўчоқлари билан доимий алоқалар натижасида бойитилиб борилган. Ўрта асрлардаги Самарқанд ва Ҳирот маданият маориф ўчоқларининг ўзаро самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисолдир. Инсоният тараққиётининг янги даврида ва XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган Жаҳидчилик маърифий – сиёсий ҳаракати ҳам ўз вақтида «Ёш турклар» ҳарактларидан нисбат олиб, «Ёш бухороликлар» ва «Ёш хиваликлар» каби илғор прогрессив оқимлар сифатида ўлкамизда кенг ёйилган эди. Чоризм ва Шўролар даврида эса бизнинг миллий таълим – тарбия тизимимизга рус – славян элементларининг кириб келиши кузатилади.

Ўзбек миллий таълим-тарбия тизимида мустақиллик давригача бевосита хориж халқлар таъсирида юзага келган маърифий анъаналар ва маданий меросни қуйдаги йирик маданий - маърифий қатламларда кузатиш мумкин бўлади:

- Қадимги Турон – Эрон маърифий – маданий мероси;
- Урхун – Енисей маърифий маданий мероси;
- Араб ислом маърифий – маданий мероси;
- Қомусий алломалар маърифий – маданий мероси;
- Мумтоз адабиёт вакиллари маърифий – маданий мероси;
- Жаидларнинг маданий – маърифий мерослари;
- Шўро даври миллий педагогикамиз вакиллари маданий – маърифий мерослари.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон таълим – тарбия тизимида янгиланиш ва туб ўзгаришлар даври бўлди деб бемалол айта олишимиз мумкин бўлади. Миллий анъаналар, кадриятлар ва давримизнинг илғор янги педагогик технологиялари тараққиёти талабларидан келиб чиқадиган асосларга таянган ҳолда таълим – тарбиянинг самарали тизими яратилди. Жамиятда инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жараёнининг пастдан юқорига қараб боровчи барча босқичларида кенг кўламдаги ислохотлар амалга оширилди. Юртимизда таълим – тарбия тизими нафақат янги ҳуқуқий замин асосида шакланган кучли моддий – техника базасига эга бўлди, балки у дунё стандартларига жавоб берувчи янги мутахасис – кадрларни тайёрловчи, доимий тараққиёт имкониятларига эга бўлган бир улкан тизимга айлантирилди. Ушбу тизим республиканинг чекка минтақаларидан тортиб марказдаги барча таълим – тарбия соҳаларини қамраб олган яхлит миллий маърифат муҳитини юзага келтирди. Ҳалқимизнинг таълим – тарбия соҳасига нисбатан муносабати ижобий жиҳатдан прогресс томон қараб кескин ўзгарди. Шундай бўлсада ҳозирги умумзамин микёсидаги глобаллашув жараёни натижасида ҳамма соҳаларда бўлгани сингари таълим – тарбия соҳасида ҳам миллий тажриба ютуқларнинг умуминсоний прогресс оқимида қўшилиб, уларнинг ўзига хос умуминсоний тажрибалар тизими ва амалий кадриятларга айланиб бораётганлигини кузатиш мумкин бўлади. Ушбу жараён барча минтақаларларни қамраб олган жуда катта кўламдаги, турли, ранг-баранг кўринишлардаги тезкор илгарилаш бўлиб, унинг ички остки оқими чуқур

илмий – технологик кучларга эгадир. Шу сабабли бу жараённинг юртимизга кириб келиши ҳам бир табиий ҳолат бўлиб, миллий таълим тизимимизнинг унга мос равишда ривожланиш куникмаларига эга бўлишини тақозо этади. Миллий асосдаги таълим тизимларининг бу жараёндаги адаптацияси ҳам ўз ички имкониятлари ва менталитетидан келиб чиққани ҳолда ҳар бирига мос тарзда ўзига хос бўлади. Бунда албатта ривожланган давлатлардаги илғор педагогик технологияларга хос стандартлар, тамойиллар, усуллар, воситалар ва тажрибалар устивор асослардан ҳисобланади. Дунёга буюк олим – энциклопедистларни етказиб берган, бой илмий – амалий тажрибаларга эга бўлган ўзбек миллий таълим – тарбия тизими Марказий Осиёда замонавий педагогикада бўлаётган глобал ўзгаришларни синтезлаштириб, уларни қайта ишлаб ва бойитиб атрофга таркатаётган минтақаларвий маърифат нўрининг кудратли ўчоғидир.

Давримизнинг ижтимоий - иқтисодий талаблари шунга олиб келяптики, инсонларнинг интеллектуал қобилиятлари жамиятни прогрессив ривожлантиришнинг асосий омилига айланмоқда. Чунки XXI аср интеллектуал тараққиёт асри бўлиши ўзини тўла – тўқис намоён қилмоқда. “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”да кўрсатилганидек, юқори интеллектуал ресурсларга эга бўлган рақобатбардош кадрларни етиштириб чиқариш мақсадида республикамизда миллий ва ҳалқаро масштабдаги кўплаб таълимий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга жорий этилмоқда. Мустақилликдан сўнг ўтган қарийб чорак аср мобайнида таълим – тарбия соҳасида шундай оламшумул ишлар амалга оширилдики, уларнинг аҳамиятини тафсирлаш бир нечта илмий йўналишдаги тадқиқотларни тақозо этади. Шундай бўлсада ушбу ишларнинг бош прогрессив йўналиши сифатида янги эркин тараққиёт жамиятини қуриш жараёнида замонавий типдаги янги шахсни шакллантириш тизими яратилганлигини умумий тараққиёт тенденцияси сифатида қайт этиш мумкин бўлади.

Умумтаълим мактаблари жамиятнинг интеллектуал ресурсларини ишлаб чиқарадиган, тиклайдиган, сифат жиҳатдан яхшилайдиган муҳим ижтимоий

институт саналади. Шунинг учун ҳам мактаб таълими жараёнида ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал қобилиятларини ўстириш вазифаси таълим тизимининг устивор йўналишларидан бўлиб ҳисобланади. Ушбу жараёнда давримизнинг ривожланган давлатларида реал ҳаётий тажрибадан ўтган ва ўз самарадорлигини тўла - тўқис намоён қилган илғор педагогик технологиялар ютуқларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ютуқларни миллий педагогикамиздаги бой тажрибалар ва ички ижтимоий тараққиётдан келиб чиқаётган талабларнинг назарий – амалий тозаллагичи (филтритдан) ўтказиб, уни ҳалқимизнинг ўзига хос маданияти анъаналарига мос ҳолга келтириб, бевосита таълим – тарбия жараёнига жорий этиш педагог мутахъасислардан жуда жиддий илмий – услубий ёндошув ҳамда ўта масъулиятли муносабатни тақозо этади. Чунки ривожланган Осиё давлатлари педагогик технологияларида Ғарб демократиясига қиёсий ҳолда эркин мулоқот фаолияти ва амалий самарадорлик ёндошувлари устивор бўлиб, уларнинг айрим чегаралари (космополитизм – дунё фукароси бўлиш, карьеризм - мансабпарастлик, индивидуализм - шахсиятпарастлик, тизгинсиз истемолчилик интилишлари ва. х.к.з) бизнинг менталитет чегарамизга тўғри келмаслиги мумкин. Шу сабабли ривожланган давлатлар илғор педагогик технологияларни қўллашда миллий асосдаги психо – дидактик илмий – амалий тизимни шакллантириш ҳозирги давр ўзбек педагогикасининг долзарб устивор вазифаларидан бири бўлиб мутахъасисда. Миллий педагогикамизнинг янги асрдаги тараққиёти ва турли йўналишдаги кучли ахборот оқимлари натижасида ёш болалар ривожланишидаги (руҳий – жисмоний, маънавий ва ижтимоий шаклланишидаги) илгарилари кузатилмаган янгича ўзгаришлар талабларидан келиб чиқилган ҳолда ушбу соҳадада янгича ёндошувлар, усуллар ва тажрибалар асосида махсус илмий тадқиқотлар ўтқазилишининг жиддий зарурияти кўзга ташланади.

Мавзуни ёритишда ҳозирда тезкорлик билан ривожланиб бораётган ва жамиятда таълим тарбиянинг барқарор самарали тизимини яратиб олган давлатлардан Япония, Жанубий Корея ва Хитой бошланғич таълими

тажрибалари муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Ушбу марказларнинг тажрибалари ўзимиздаги илмий – услубий асослар, бой амалий анъаналар ва янги замон талабларига таянилган ҳолда алоҳида - алоҳида таҳлил этилишни тақозо этади. Шу сабабли илмий изланишлар назарий, услубий ва амалий – тажриба йўналишларида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Осиё ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини қўллашдаги психо – дидактик асослар муаммоси ҳозирда нафақат миллий педагогикамизда, балки умумий педагогика соҳасида нисбатан махсус ўрганилмаган педагогик йўналишлардан биридир. Муаммонинг айрим жиҳатлари бошқа йўналишлардаги тадқиқотларда турли хил кўринишдаги қисқача статистик ҳарактердаги тўлдирувувчи бандлар сифатида учраши мумкин. Шундай бўлсада бу соҳадага миллий педагогикамизда бўлган эҳтиёжнинг кундан – кун ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин бўлади. Осиёнинг ривожланган давлатларидан педагогикамизга инвестицияларнинг кириб келаётганлиги, ўша давлатларга бориб ўқиётган ёшлар сонининг ошиб бораётганлиги ва ўша ерлардан янги педагогик технологияларнинг кенг қўламдада кириб келаётганлиги юқорида қайт этилган эҳтиёжни янада оширади. Шу жиҳатдан олганда муаммо ўрганилганиши даражасининг жамиятда ва айниқса педагогика – психология соҳаларида бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар ва улардан келиб чиқадиган эҳтиёжлардан анчагина орқада эканлигини кузатиш мумкин бўлади. Муаммога оид маълумотлар ҳозирда махсус ўрганилганиши ва яхлит тизимлаштирилиши зарур бўлган тарқоқ ҳолдадир. Уларни тарқоқ бир йўналишда таҳлил этиш ва тизимлаштириш назарий ёндошув ва амалий тажрибалар билан боғлиқ жуда катта ҳажмдаги чуқур самарали изланишларни тақозо этади.

Ривожлантирувчи таълим назарияси ва амалиёти **психо-дидактик парадигма** орқали асосланади. Бунинг замирида эса бола ривожланишининг психологик қонуниятлари ҳамда ўқувчининг билув ва шахсий ривожланиши устиворлиги ётади. Шунингдек, психик ривожланишнинг ёш давлари, яқин

ривожланиш зонасига йўналганлик, фаолиятнинг етакчи типлари, таълим ва ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги ҳам муҳим асос саналади.

Шу муносабат билан XX аср таълим муаммоларини ҳал этишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган буюк олим Ж.Дьюини тилга олмасликнинг иложи йўқ. У ўз педагогик қарашларида анъанавий таълимнинг аниқ альтернативини асослаб берди.

Дьюи Д. **таълимни инсоннинг ўқиш, ривожланиш ва тарбияланиш** жараёни сифатида таърифлайди. Бунинг натижасида социумнинг ўсиб келаётган ёш аъзоси унга мос меъёрлар асосида шаклланади.

Таниқли педагоглар М.А. Данилов ва Б.П. Есиповлар¹ томонидан асоий **дидактик тамойиллар** ишлаб чиқилган эди. Булар: таълимнинг илмийлиги; назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги; тизимлилик; таълим жараёнида онглилик ва фаоллик; синф жамоаси билан ишлаш шароитида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш; ўзлаштирилган билимларнинг пухталиги. Бу тамойилларни тушунмайдиган ўқитувчи бўлмаса керак.

Тадқиқот мақсади. Ушбу муаммонинг мақсади бошланғич таълим мисолида Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асосларини тизимлаштириш ва таълим – тарбия жараёнида ушбу асосларни қўллаш учун амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари мавзусининг асосий вазифалари унинг долзарблиги, ўрганилганиш ҳолати, мақсадларидан келиб чиқади ва уларни ҳал этилиши зарур бўлган қуйдаги йўналишларда алоҳида бандларга ажратиш мумкин бўлади:

- Мавзунинг ўрганилганиши билан боғлиқ ҳаракат асосларини ўзида мужассамлаштирган тадқиқот режаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ташкилий вазифалар;

¹ Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1957.

- Оммавий ахборот воситалари ва илмий – услубий адабиётларда учрайдиган ҳамда муаммога оид бўлган тарқоқ маълумотларни йиғиш билан боғлиқ статистик вазифалар;

- Мавзунинг илмий асосларини ёритиш билан боғлиқ назарий тадқиқот ва ижодий ёндошув вазифалари;

- Мавзунинг амалий қўлланилиши билан боғлиқ илмий – услубий ва тажриба кузатиш вазифалар;

- Мавзу асосларига таянган ҳолда бошланғич таълим жараёнида бевосита амалий қўлланилиши енгил ва самарали бўлган услубий тавсиялар яратилишига замин ҳозирлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари тадқиқотиининг янгилиги миллий таълим – тарбия тизимидаги педагогик технологиялар ва хориждаги илғор педагогик технологияларнинг психо – дидактик асосларини таҳлил этиб, яхлит тизимга келтириб бевосита амалиётга енгил жорий этилиши мумкин бўлган янгича бир самарали ёндошувнинг шакллантирилишидир.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари тадқиқотиининг илмий амалий аҳамияти педагогик технологиялардаги илғор ўзгаришлар ва замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда уларни қўллаш, шунга мос равишда психо – дидактик ёндошувнинг ўзига хос янги асослари устида олиб борилган чуқур ва кенг қўламдали изланишлар натижасида бевосита бошланғич таълим жараёнига жорий этилиши мумкин бўлган самарали амалий тавсияларнинг яратилишидадир.

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асосларини ўрганишга оид ташкилий, илмий–амалий изланишлар ва уларни бевосита бошланғич таълимга жорий этиш жараёни.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асосларининг илмий – услубий ўрганилганиши масаласи мавзунинг предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий фарази. Агар

- Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психодидактик асослари очиб берилса;
- унга мос ривожлантирувчи таълим технологиялари бошланғич таълим жараёнига жорий этилса;
- таълим жараёни психо-дидактик парадигмалар асосида ташкил этилса;
- ўқув материаллари психодидактик талаблар асосида қайта ишлов берилса;
- таълим жараёнида тортишиш маркази ўқитувчидан ўқувчига кўчирилса, ўқувчининг ўқув-билув фаолияти унинг ривожланиши билан бирга кечади, унда шахсий рефлексия, унда субъектлик, шахсий-қадрият ва шахсий аҳамиятлик сифатлари ривожланади, тез ўзгарувчан шароитда мослашувчанлик ва йўл топа олиш, фаол ижтимоий муносабатларга кириша олиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва шу ўрни орқали уни тараққий эттириш учун онгли равишда ҳаракат қилиш малакалари шаклланади

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури», «Олий таълим концепцияси», «Педагогик таълим концепцияси», «Умумий таълим концепцияси», Олий Мажлиснинг тегишли қонунлари, Президент асарлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Олий ва Ўрта махсус касб – ҳунар таълими Вазирлиги буйруқ – кўрсатмалар, мавзуга оид асосий йўналишлар манбаларидаги илмий – методологик маълумотлар. Унинг методлари яхлит боғлиқлик, синтез, анализ, тизимлаштириш ва тажриба-синов усуллари ўзида мужассамлаштиргандир.

Тадқиқот методлари:

- тадқиқот мавзусига оид педагогик, психологик, услубий ва ўқув адабиётларни ўрганиш;
- ўқув жараёнини кузатиш, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбат;

- мактабдаги илғор ўқитувчилар тажрибасини умумлаштириш;
- интернет форум орқали мутахассислар фикрини ўрганиш;
- педагогик тажрибани ташкил этиш, ўтказиш ва тажриба натижаларини статистик қайта ишлаш.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган 3 та илмий мақола ва 4 та илмий-назарий конференция материалларида ўз аксини топган.

Диссертациянинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, 8 фасл, умумий хулоса ва тавсиялар, 63 номдаги фойдаланилган адабиётлар, 24 та иловадан иборат бўлиб, 91 саҳифани ташкил этади.

I. ИЛҒОР ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПСИХО-ДИДАКТИК АСОСЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ВА ИМКОНияТЛАР

1.1. Ўзбекистонда ривожланган Осиё давлатларидаги педагогик технологиялари психо-дидактик асосларининг ўрганилганлик даражаси.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ҳалқимиз ўзининг янги миллий қомуси асосида ҳамма соҳадада бўлганидек, ўзбек миллий фани ва маданияти ва таълим – тарбия тизимида ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндошиш имкониятига бўлди.

Таълим - тарбия тизимларидаги умумийлик ва ўзига хосликни, педагогик назария ва амалиётнинг ўхшаш ва фарқли томонларни, қонуниятлар ва тенденцияларнинг унверсал ва специфик жиҳатларини ажратиш илғор педагогик технологияларни жорий этишнинг шартларидан биридир.

Адабиётлар, архив манбалари, педагогик босма материалларнинг назарий, қиёсий-таққословчи ва қиёсий-тарихий таҳлили етарли даражадаги фактик материалларни қўллаш лозимлигини назарда тутди. Ўрганувчилар учун манбаларни таҳлил қилиш тадқиқот ва изланишлар учун муҳим асослардан саналади. Шундай манбалар сирасига энг аввало ўтмиш ва ҳозирги замон педагогларнинг асарлари, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, олимларнинг тадқиқотлари, архив материаллари, статистик маълумотлар, ўқув режа ва дастурлари киради.

Юқорида санаб ўтилган исталган бир усулни қўллаш орқали қиёслашга асосланган педагогиканинг бошметодологий масаласи – қайси воситалар ва қандай шаклларда замонавий хориж тажрибасини ўз мамлакатимиз таълим

тизимда қўллаш самарали натижа бериши мумкинлигини аниқлаб берилади. Дунё педагогика тараққиёти тарихининг таҳлилига методологик ёндошувлар комплексини ҳисобга олган ҳолда биз унинг беш тараққиёт босқичини ажратамиз: илмийдан олдинги босқич, пайдо бўлиш босқичи, ривожланиш босқичи, инқироз босқичи, интеграция босқичи.

1-босқич (илмийдан олдинги) – қадимги даврлардан XIX асргача.

2-босқич (пайдо бўлиш) – XIX аср охиридан XX аср бошларигача.

3-босқич (ривожланиш) – XX аср бошларидан XX асрнинг 60-йилларигача.

4-босқич (инқироз) – XX асрнинг 60-йилларидан 80-йилларигача.

5-босқич (интеграция) – ўтган асрнинг 80-йилларидан ҳизиргача бўлган давр.

Ушбу босқичлар миллий педагогик анъаналар ва асосларни англашга, унинг дунё технологик жараёнлари интеграциясига тортилиш жиҳатларини тарқоқлашга имкон беради.

Миллий педагогикамизда таълим – тарбия усуллари ва унинг психо – дидактик асослари доимий диққат марказида бўлиб келган. Уни миллий педагогикамизнинг ўзига хос хусусиятлари десак хато қилмаган буламиз. Шу билан бирга хориж тажрибаларини ўрганиш ва уни амалда қўллаш ҳам бизда асрлар давомида турли кўринишлар ҳамда шакллар сифатида амалга оширилиб келинган. Бу жараён кўпқиррали динамик ривожланиш бўлиб, уни ўрганиш ҳам бир неча йўналишлардаги кўпқиррали изланишларни тақозо этади.

Унда бирламчи асосий жиҳат бу масаланинг юртбошимиз асарларида ёритилиши даражасидир. Ушбу жараённинг ўзига хос жиҳатлари юртбошимизнинг қупгина асарларида чуқур ва кенг қўламдада ўз аксини топгандир (1.1999; 2.1999; 3. 2008).

Навбатдаги ўрганилганиш тақозо этиладиган долзарб жиҳатлардан бири бу ривожланган Осиё давлатлари тушунчаси ва уларда илғор педагогик технологияларнинг ривожланиши масаласидир.

Ривожланган Осиё давлатлари тушунчаси ўзгача бир талаффузда “Янги Индустиал Давлатлар” атамаси сифатида яқин ўтган йилларда фанга киргшан бўлиб, Осиёда Жанубий Корея, Сингапур, Тайван, Гонконг каби ундан ортиқ

давлатларни ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бирга анъанавий ривожланган давлатлардан Япония ва Хитой давлатларидаги янги таълим технологияларининг тилга олиниши муаммонинг технологиялар жиҳатига ўтмиш ва ҳозирги давр ривожланиш даражалари буйича комплекс ёндошувдан далолат беради. Бунда тилга олинган давлатлардаги тараққиётнинг ўзига хос томонлари улар педагогикаси технологияларининг ривожланишига маълум бир жиҳатлари билан таъсир этганини алоҳида қайт этиш мумкин бўлади. Японияда, Хитойда ва Жанубий Кореяда бу жараён маҳаллий менталитет асосларига таяниб турлича кечган бўлсада, уларни умумлаштириб турувчи шундай томонлар борки, уни қуйдаги умумий жиҳатларида кузатиш мумкин бўлади:

- уларнинг ҳар бирида таълим – тарбия тизимининг қадимий бой анъаналарга эга эканлиги ва таълим – тарбия соҳадасининг жамиятда юқори ҳурмат даражасида юксак тутилиши;
- улардаги ҳар бир халқнинг илмга ташналиги ва билимларни ўзлаштириш жараёнида изчил ҳаракат қилувчи меҳнаткашлиги ва сабр – тоқат эканлиги;
- уларда таълим тарбияга нисбатан жамиятда катта эҳтиёжнинг мавжудлиги ва унинг амалиёт билан бевосита қаттиқ боғлиқлиги;
- уларда таълим – тарбия тизимида давлат марказий ва ижтимоий – иқтисодий фондлардан ажратиладиган маблағларнинг жуда юқори даражада эканлиги.

Ўзбекистонда ривожланган давлатларидаги педагогик технологиялар психодидактик асосларининг ўрганилишининг қонуний жиҳатлари эса юртимизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун (4.1997) ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”да (5.1997) асослаб берилгандир.

Ҳозирда нафақат Осиёнинг ривожланган давлатларида, балки планетар миқёсда бораётган “таълимнинг технологик тус олиши” жараёнига оид маълумотлар оқими жуда катта бўлсада, унинг назарий – услубий жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган технологик жиҳатдан яхлит бир эталонли тизимга

ҳали ҳам асос солинмаган. Бунда тушунчалар, мақсад–вазифалар, асос–тамойиллар, усуллар ва мониторинг масалаларининг автоном ҳолда тарқоқ ёритилиб бораётганлигининг устиворлигини кузатиш мумкин бўлади.

Осиё ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини қўллаш масаласи буйича ҳозирда миллий педагогикамизда илмий-назарий ва илмий- амалий йўналишдаги ишларни кузатиш мумкин бўлади.

Унинг илмий-назарий жиҳатлари асосан фундаментал илмий тадқиқотлар доирасида борапти. Бунда ЎзФАнинг педагогика йўналишлари буйича илмий текшириш марказларида олиб борилаётган ишлар устиворлиги кўзга ташланади. Ушбу ишлар ўзининг тадқиқот кўламдаги буйича йирик монографик ва махсус йўналишга бағишланган кичик илмий ишлардан (мақолалар, тезислар, маърузалар) дан иборатдир. Ўзининг йўналиши буйича эса тадқиқотлар умумий комплекс изланишлар доирасидаги параллел ишлар, махсус умумий йўналишдаги ишлар ва кичик тор йўналишдаги махсус илмий ишлардан иборатдир. Ушбу йўналишларнинг кўпчилиги энди шаклланиб келиш даражасида бўлиб, бу шу соҳадаги маълумотларнинг ҳали тўпланиш босқичида эканлиги билан боғлиқдир. Янги маълумотлар йиғилгандан сўнг унинг йўналишлар буйича маълум бир тизимда шаклланиши ушбу соҳадаги тадқиқотларнинг тарқоқ йўналишларда тизимли тус олиб боришини таъминлайди. Шу жиҳатдан олганда ушбу тадқиқотни маълум бир даражада тажриба – синов ишлари сарасига мансуб деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Муаммонинг илмий-назарий ва илмий-амалий ўрганилганиши ўртасидаги боғловчи бўғин ишлари юртимизда педагогикага оид мутахасисларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимидаги марказлар ҳамда ташкилотларда амалга оширилмокда десак хато бўлмайди. Чунки айнан шу тизимда педагогикадаги янги технологик ўзгаришлар фундаментал тадқиқот натижаларининг бевосита таълим жараёнига амалий кириб боришига йул очилади. Бунда ўқитувчилар ва шу соҳанинг бошқа мутахасислари янги педагогик технологиялар буйича илмий-назарий чиғирикдан ўтказилган билим ва куникмаларга эга бўладилар.

Муаммонинг илмий-амалий жиҳатлари эса бевосита таълим-тарбия жараёни ва унга боғлиқ бўлган ташкилий, назарий ва амалий йўналишларда ўз аксини топади. Бунда таълим тизими ҳар бир босқичларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ талаблардан келиб чиқилган ҳолда муаммонинг ечимлари ва натижалари ҳам турлича даражада бўлади. Ушбу тизимда мактабларда янги илғор педагогик технологияларни ўрганиш ва уни бевосита амалиётга қўллаш ўзининг алоҳида ўрнига эгадир. Унда ўқув жараёни шакллари, усуллари ва воситаларининг қўлланилишида албатта, янги педагогик технологияларнинг таъсири кундан-кунга сезиларли бўлиб бормокда. Кириб келаётган янги педагогик технологияларни қўллашда эса ўқитувчиларнинг юқори малакага ва юксак педагогик маҳоратга эга бўлишлари талаб этилади. Ушбу янгиликлар асосида ёш мутахасисларни тайёрлаш бўлса ҳозирги педагогикамизнинг долзарб муаммоларидандир.

Миллий педагогикамизни ривожлантириш жараёнида республикамиз таълим тизимининг замонавий механизмини шакллантириш ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларни тезлаштиришни талаб этмокда. Бунинг амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири мамлакат меҳнаткашларининг, хусусан ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчиларнинг касб малакалари ва маҳоратларини такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирди. Бугунги кунда ахборотлар оқимининг кескин кўпайиши, ривожланиши, илмий-техникавий тараққиётнинг жадаллашувига, мавжуд педагогик-психологик, методик, амалий тайёргарликнинг маълум даражада “эскириши”га олиб келди ва бу ўз навбатида педагогик меҳнат билан шуғулланувчиларнинг касбий маҳорати, ижодкорлигини ривожлантиришга эътиборни янада кўпроқ қаратиш лозимлигини тақозо этди. Бу эътибор ва талабни амалга оширишнинг муҳим омилларидан бири, касбий маҳоратни такомиллаштириш технологиясини жорий этиш. Бунинг учун эса касбий педагогик тайёргарлик, таълим йўналишида педагогик маҳорат асослари фанини ўқитишни мукаммаллаштириш демакдир.

Осиё ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини бошланғич синф ўқувчилари саводини чиқариш, нутқини ривожлантиришга миллий анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда жорий этиш ўзига хос ёндошувларни тақозо этади ва жуда самарали бўлиши мумкин. Чунки бунда Осиё давлатлари педагогикасида учрайдиган ёшларга нисбатан «меҳнатталаб ёндошув» болаларда мустақил ўқиш ва ўз саводини чиқаришда ўқитувчи билан баробар бир хилда ҳаракат қилишини рағбатлантиради. Ўз навбатида саводхонлик буйича бундай ҳамкор меҳнат болалар нутқининг тўғри йўналишда шаклланишига олиб келади. Бу болада ўз фикрини уйлаб, истиҳола қилиб етқизиш каби маданий тарбия куникмасини шакллантирадики Осиёнинг тилга олинган давлатларида бу нарса фуқаролар орасидаги муносабатларнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга бола саводи ва нутқининг тўғри шаклланиши унинг бошқа йўналишдаги фанларни ўзлаштиришига ҳам ёрдам берадики, бу болада тушунчаларни англаб қабул қилиниши натижасида сўз захирасининг ижобий йўналишда изчил ўсиб бориши билан боғлиқ бўлади.

Бораётган жуда тезкор тараққиёт ва шу билан боғлиқ равишда барча соҳаларга оид турли янгиликлар ва маълумотларнинг педагогикага кириб келиши Осиё ривожланган давлатларида таълимнинг тор соҳада йўналишида ихчамлашиб бораётганлигида кўзга ташланади. Бу эса тор соҳада мутахассисларини тайёрлашга олиб келади. Бизда эса азалдан таълим – тарбиянинг ҳар томонлама бўлиши асосий талаблардан бири бўлиб келган. Бу «комил инсон тарбияси» ва «баркамол авлод тарбияси» каби фикрларда ўз аксини топган. Шу жиҳатдан олганда мавзуда ўзига хос бир зиддият кўзга ташланади. Республикаимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиб бораётганлиги ва замонавий педагогикада кучли интеграция жараёнларининг кенг кўламда тарқалаётганлигининг кучли ижтимоий оқими бу зиддиятларни яқин келажакда бартараф этади. Натижада юртимизда 1997 йилда бошланган ва ҳозирда ҳам давом этаётган, миллий анъаналаримиз заминида замонавий илғор педагогик технологияларга асосланган янги бир тизим вужудга келиши давримизнинг реал ижобий ҳақиқатидир.

Ижтимоий – иқтисодий, маънавий ҳаётда, ҳалқнинг турмуш тарзи ва онгида юз бераётган ўзгаришлар янгиликларни ўқувчилар онгига сингдириш, ёшларни ҳаётга, ишлаб чиқаришга илм ва фанга йўналтириш таълимнинг асосий мақсадларидан бирига айланади.

Таълим жараёнида амал қиладиган тескари алоқа моҳияти янги илғор ғоялар билан бойитилди. Натижада ўқувчиларнинг билими, кўникма-малакалари, ижодий фаолият кўрсатиш, табиат, жамият, онг ҳодисаларини эмоционал баҳолаш қобилиятларини объектив назорат қилиш имкониятлари ортди. Бу, ўз навбатида, таълим-тарбия ишларини ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига қиёслаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос таълим тизимини ташкил этиш, бошқариш, назорат қилишга илмий-амалий жиҳатдан замин яратди.

Ривожланган мамлакатлар билан ўрнатилган алоқа, ўзаро тажриба алмашиш педагогика фани тарикқиётига ҳам ижобий таъсир эта бошлади. Илғор педагогик технологиялар мутахассис олимлар, мактаб ўқитувчиларининг фаолиятига сингиб бормоқда.

Бугунги кунга келиб, таълимга технологик ёндашиш тамойили энг долзарб мавзу бўлиб қолди. Таълим амалиётига кириб келаётган педагогик технологияларнинг таркибий қисми сифатида таълимни самарадор лойиҳалаш муаммоси илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга ҳамда амалий жиҳатдан ўзлаштиришга муҳтож масала сифатида кириб келмоқда.

Педагогика фанида таълимий лойиҳанинг ўзи нима? У қандай вазифаларни бажариши керак? деган саволларга ҳалигача жавоб топилмаган.

Шу билан бир қаторда, таълимни лойиҳалаш муаммосининг жуда кўп кемтик, атрофлича таҳлил қилинмаган томонлари мавжуд. Аввало, таълим жараёнини лойиҳалаш алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган эмас. Шунингдек, таълим жараёнини лойиҳалаш ва технологиялаштиришнинг йўналишлари, вазифалари, воситалари уйғунлиги тасниф қилинмаган.

Таълимнинг самарадорлигини ошириш ва сифатини яхшилашга йўналтирилган лойиҳалар «таълим мазмунини ва таълимий лойиҳа», «ўқув

материали ва таълимий лойиҳа», «ўқув фаолияти ва таълимий лойиҳа» тизимларида амал қиладиган алоқа, боғланиш, муносабатларини ажратиш, тасниф қилишни тақозо қилади.

Лойиҳа кенг маънода маълум объект, хатти-ҳаракат, ҳолатнинг тарихи демакдир. Таълимий лойиҳаларда таълим субъектлари ўзаро таъсиридан шаклланадиган, истиқболга йўналтирилган ширкат фаолият моддийлаштирилади. Таълимий лойиҳаларнинг энг оддийси (мас., дарс конспекти)дан тортиб токи уларнинг ўта мураккаб кўринишлари (мас., таълим эталони) гача бўлган турлари инсон фаолияти антиципирик – олдиндан пайқаш, кўра билиш лаёқати маъсулидир. Педагогик ҳодисаларнинг бориши, ривожланишидаги ўзгаришларни лойиҳада акс эттириш, лойиҳада кўзланган мақсад, восита, натижаларни ўқувчи фаолиятига нисбатан тасаввур қилиш, маълум бир дидактик назария замирида лойиҳани тайёрлаш лойиҳа муаллифи педагогик билимлари такомиллашувига, педагогик амалиётдаги янги боғланишларни сезиш ва ажратишга олиб келади. Гарчанд лойиҳа фаолиятнинг норматив соҳасига тааллуқли бўлса-да, у дидактик ҳодисаларни куриш йўли билан билишнинг энг фаол воситаси саналади.

Таълимий лойиҳалаш таълимнинг амал қилиш намунасини тайёрлаш жараёнидир. У жараён сифатида лойиҳалаш фаолияти, воситаси, предметидан иборат. Бу жараёнда маълумот мазмуни ёки унинг бир қисми - ўқув материали лойиҳалаш предмети вазифасида қатнашади. Ўқув материалига педагогик ишлов берилиб, дарсликдаги ҳолатдан янги шаклга олиб кирилади. Ўқув топшириқлари, муаммолари, тестлар тизими ва шу кабилар ўқув материалининг ўқитиш ва ўқиш эҳтиёжларига кўра ўзгартирилган - лойиҳалаштирилган шаклларидир. Лойиҳа муаллифининг дидактик билимлари, орттирган ҳаётий тажрибаси лойиҳалаш воситалари бўлиб, улар лойиҳа сифатини белгиловчи омиллардир. Дидактик билимлар кўлами, ҳажми, аниқлигига, педагогик тажрибанинг етуқлиги ва унинг пухта эгаллаганлигига кўра таълимий лойиҳалар бир-биридан фарқ қилади. Бинобарин, таълимий лойиҳаларнинг самарадорлиги ва сифати пировард натижада лойиҳа

муаллифининг билими, тажрибаси, маҳоратига бориб тақалади. Таълимий лойиҳалаш - бу таълим субъектлари ўзаро таъсирининг таълим мазмунига йўналган акт, босқич, давр шаклидаги ҳаракатларини келгусида амалга ошириш намунаси ёки тимсолини тайёрлаш демакдир.

Таълимий лойиҳа моҳиятига кўра ўта мураккаб популятив тизим бўлиб, ўзини шакллантиришга йўналган фаолиятни, лойиҳалаш соҳасига оид билим ва воситаларни, лойиҳалаш предмети - ўқув материалини таҳлил қилишни тақозо қилади. Биз шундай таҳлилни "дидактик билим ва таълимий лойиҳа" тизимида ўтказамиз. Таҳлил лойиҳадан, аниқроғи, лойиҳа тўғрисидаги тасаввурлардан дидактик билимларга йўналиш йўсинида ташкил этилади.

ЮНЕСКО томонидан тан олинган педагогик технология оқими 1930-йилларда АҚШда пайдо бўлди ва 70-80 йилларда барча ривожланган малакатларни қамраб олди.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи ўринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз ифодасини анъанавий ўқитиш учун мўлжалланган мажмуали техник воситаларни яратилишида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда педагогик технология "таълим беришнинг техник воситалари ёки компьютердан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмай, балки бу таълимий самарадорликни оширувчи омилларни таҳлил қилиш йўли орқали, йўл ва материалларни тузиш ҳамда қўллаш орқали, шунингдек, қўлланилаётган усулларни баҳолаш орқали таълим жараёни принципларини аниқлаш ва энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотдир.

Педагогик амалиётда янги йўл ва воситаларини жадал татбиқ, этилаётганлигини кузатиш мумкин. Бироқ, баъзи таълим шакл ва фаол усуллари ўрнига бўлинмас таълимий технологиялар зарур. Лекин таълим жараёнини технологияли лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, фақат технологик билим, куникма ва малакаларга эга бўлган ўқитувчигина бажара олиши мумкин.

-Технологик билимлар тизими қуйидаги ташкил этувчилардан иборат:

- тушунчага оид қисм - технологиялаштиришнинг мураккаброқ бўлган тоифа ва қоидаларини ўрганишга йўл;
- таълим технологиясининг таркибий қисм ва ҳаракатланувчи тузилма – таълим жараёнини башоратлаш ва лойиҳалаштириш асоси тўғрисида тушунча;
- таълимий технологияларнинг концептуал асослари - ҳар қандай таълим технологияси негизида педагогик ва психологик фанлар ютуғини ифодаланган педагогик ғоя ётади;
- мақсадни белгилаш - агар педагогик вазифалар аниқланган бўлса ва ўқув фаолиятининг якуний натижалари бир маънода ифодаланган бўлса, бошланиш шартлари маълум бўлса, таълим жараёнини лойиҳалаштириш мумкин;
- таълим бериш модели - мақбул йўллар (усул ва шакллар) ва воситалар йиғиндиси - мавжуд шароитлар ва белгиланган вақтда объектнинг бошланғич ҳолатини ўзгартириш бўйича кўзланаётган натижаларга эришиш кафолати;
- бошқарувнинг йўл ва воситалар йиғиндиси: башоратлаш, лойиҳалаштириш, режалаштириш, ташкиллаштириш, назорат ва баҳолаш, шунингдек, тезкор ўзгартириш тўғрисида бошқарув ҳулосасини қабул қилиш мақсадида таълим жараёнини узлуксиз ва мунтазам кузатиш - мониторинг. Таълим беришни технологиялаштириш асосини ўрганишни бошлашдан аввал, қуйидаги маслаҳат ва тавсияларга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Технологиялаштириш асосида ифодаланган, ва бу билан албатта сиз танишишингиз зарур бўлган қоидалар, шу заҳоти сизга тушунтириш бермайди, фақат кўзланаётган мақбул ва самарали натижага эришиш учун нима иш қилиш зарурлигини кўрсатади.

Ҳар бир йул ва восита ўқитувчи-технолог томонидан, у интилаётган, якуний натижага эришишга салмоқли ҳисса қўшганлиги билан баҳоланиши зарур. Қоиданинг мақбуллигини талқин қила туриб, эътиборни нафақат унга, уни қўллашни назарда тутувчи вазият ёки шароитларга қаратиш зарур. Гап шундаки, қоидалар одатда, формула эмас, бошқарув хусусиятга эга бўлади, модомики уларни қўллаш мумкин бўлган, таълим жараёни шароитида айрим ноаниқликлар бор.

Бундан ташқари, аввалда шу нарсани ўқув вазиятида кўплаб, муваффақиятга эришган ўқитувчи-амалиётчи ёки ҳаммага маълум бўлган таълим бериш технологиясининг муаллифида, шуни қондасиз умумлаштиришдаги хатоликлар тарқалган. Моҳият шундаки, барча турли-туманликдан мавжуд шароитда ва ўқув режасида берилган вақтда кўзланаётган натижага эришишни кафолатли таъминлайдиган, сўнгра эса ундан шу шароит учун мос келадиган, таълим бериш технологиясининг - ягона мажмуини лойиҳалаштириш мумкин бўладиган, ахборот, мулоқот ва бошқарувнинг шундай йўл ва воситаларини баҳолаши, фарқлаши ва танлашни уддалаши муҳим.

Ушбу ишда тўпланган маълумотлар бир қарашда қийин, амалга ошириб бўлмайдигандек, кўриниши мумкин. Аммо шуни унутмаслик керакки, қўлланиладиган донишмандлик китоб буйича формуларни ўрганишда эмас, балки ҳақиқий ишни бажарганда ҳосил бўлади

Таълим жараёнини ихтиёрий қуриш ва амалга оширишдан, унинг ҳар бир қисм ва босқичларини изчил асосланган, якуний натижани ҳаққоний ташхислашга йуналтиришга ўтиш учун асос зарур

Агарда сиз таълим жараёнини технологиялаштиришга ўтиш муҳимлигини англамас экансиз, унда биз ҳарчанд технологияларнинг энг янги ютугларини бермайлик, пайдо бўлган мунтазамлик механизмини чиқариб ташлай олмайди, ё бўлмаса мажбур қилинган технологиялар зиёнли натижаларни купайтириш мумкин .

Нихоят, шахсий таълим бериш технологиясини лойиҳалаштириш ва мавжуд таълим бериш технологиясини қўллаш "ўқитувчи, вазият маданияти, шунингдек, шахсий ёки талабаларнинг шахсий хусусиятлари билан юзма-юз келиш йўналиши билан иш тутмоғи керак.

Ҳозирда илғор технологияларга асосланган ҳолда таълим жараёнини ривожлантиришга нисбатан янгича ёндошувларнинг юзага келаётганлигини кузатиш мумкин бўлади. Бунда ушбу жараённинг мазмун – моҳиятини замон талаблари асосида таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу вазиятда

таълим технологияси ва унинг концептуаль асослари масаласи долзарб ҳисобланади. Таълим технологиясининг концептуал асослари эса қуйдаги жиҳатлардан иборат:

- ўқув фанининг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, аудитория соатларининг умумий ҳажми ва ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ уларни мавзулар бўйича тақсимоти, иш турлари;
- ўқув фанининг мазмуни, ўқув фанининг намунавий дастурига мувофиқ ўқув фанининг мавзу мазмуни баён этилади;
- ўқув машғулотида таълим технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал ҳолатлари;
- таълим бериш, мулоқот, ахборот ва боншарувнинг йул ва воситаларини танлашнинг асоси бўладиган, таълим технологиясини лойиҳалаш ва режалаштиришнинг концептуал асослари ҳисобланади.

Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва технологиялаштиришга оид тўпланган маълумотлар қуйидагиларни қайт этишга имкон беради:

1. Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ва технологиялаштириш кейинги пайтларда таълим жараёнига жадал кириб бораётган кўп аспекти мураккаб ҳодиса бўлиб ҳисобланади.

2. Таълимий лойиҳаларни тайёрлаш жараёнларида муаллифлар турли дидактик назария, қарашлардан келиб чиқиб лойиҳалаш предмети - маълумот мазмунига педагогик ишлов беришади. Маълумот мазмунига педагогик ишлов бериш йўли билан таълимнинг кенг қамровли, катта, универсал лойиҳалари концепция, дастур, таълим стандартлари тўплами, дарслик шаклида тайёрланади.

3. Таълимий лойиҳаларни тайёрлашда дидактика фани ютуқларидан фойдаланилади. Ўз навбатида, таълимий лойиҳани амалиётда синаб кўриш дидактик назарияни ривожлантириш учун етакчи омил вазифасини ўтайди. Шу билан бирга, катта, универсал лойиҳалар билан бир қаторда нисбатан ихчам лойиҳалар тузиш мумкинлиги эътиборга олинса, таълимий лойиҳалаш даражаларини қайд этиш эҳтиёжи ҳам туғилади.

4. Таълимий лойиҳалаш тадқиқотчидан маълумот мазмунини турли даражаларда тасаввур этиш, ҳар бир даражага оид тасаввур, билимлар асосида таълимий лойиҳалаш жараёнларини ўрганишни тақозо қилади. Таълимий лойиҳалаш жараёнларини тасаввур этишнинг қуйидагича даражаларини қайд этиш мумкин: Таълимий лойиҳалаш жараёнларини ижтимоий талаб даражасида тасаввур этиш. Таълимий лойиҳалаш жараёнларини ўқув предмети даражасида тасаввур этиш.

5. Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш. Улар ўз ифодасини анъанавий уқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишда топади.

6. Таълим технологияси: бу мавжуд шароит ва урнатилган вақтда белгиланган таълимий мақсад ва кўзланаётган натижаларга кафолатли эришишни воситали таъминловчи, мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг энг қулай йул ва ўқитиш воситаларининг тартибли йигиндиси (таълим бериш технологиясининг жараён-баёнли жиҳати);

7. «Педагогик технология» - педагогик ходиса ва таълимни технологиялаштириш соҳасидаги жараёнда қўлланиладиган тушунча.

8. «Таълимий технология» - таълим олиш шакллари мақбуллаштиришни ўз вазифалари деб қуёвчи, яъни бутун таълим бериш жараёнини ҳамда техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда билимларни ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва тарқоқлашнинг тизимли усули

9. Услубиётчидан фаркли уларок педагог-технолог эса:

- тажриба ўтказмайди: у тарқоқ; белгиланган натижа билан иш олиб боради;
- ажратилган вақт ва мавжуд шароитларда белгиланган мақсадларни амалга оширишда гумон ҳосил қилмайдиган асосланган уқитиш моделига таянади;
- у ҳдракат қилади, таълимий мақсадлар қуйилганда, анш педагогик вазифалар белгиланганда ва кўзланаётган натижалар шакллантирилганда, таълим бериш жараёнининг бориш шароитлари тарқоқлангандан сўнг, ҳракат қилишни бошлайди.

Таълим технологиясининг моҳиятли белги ва хусусиятларига қуйидагилар киради: концептуаллик, тизимлилик, бошқаручанлик, самарадорлик, мақбуллик, такрор ишлаб чиқариш.

Ўқув фани буйича таълим технологияси қуйидагилардан келиб чикиб ишлаб чиқилади:

- бевосита амалиётда таълимни технологиялаштириш коидаси;
- фан буйича ўқув ахборот мақсади, тузилмаси, мазмуни ва хажми;
- ДТС томонидан белгиланган, ўқув режасида тарқоқлаб берилган вақтда ва берилган шароитда таълим бериш мақсадига эришишни кафолатловчи таълим бериш, мулоқот, ахборот ва бонщарувнинг йул ва воситаларини танлашнинг концептуал ёндашувлари.

10. Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараён)и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Мавзуий режадан фарқли ўларок, технологик харитада (1) таълим берувчи фаолияти билан бирга, таълим олувчининг ҳам фаолияти, (2) ўқув машғулотининг босқичлари ва вақти, (3) таълим беришнинг усул, шакл ва воситалари, (4) таълим мақсадларининг ўқув ютуқлари мониторинги ва баҳолашлари кўрсатилади.

Шундай қилиб, Осиё ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини юртимиз педагогикаси амалиётига жорий этишнинг психо – дидактик асосларининг ўрганилганиш даражаси буйича қуйдаги дастлабки хулоса мулоҳазаларни келтиршимиз мумкин бўлади:

- мавзу нисбатан янги илмий тадқиқот йўналиши бўлиб, унга хос маълумотларда купинча ахборот мазмуни устиворлигидан келиб чиққан ҳолда унинг ўрганилганиш жараёни ҳали бошланиш арафасида десак хато қилмаган буламиз;
- янги илмий тадқиқот йўналиши сифатида мавзудаги изланишларнинг тасодикий лавҳали мазмун – моҳиятини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналиш

тарқоқ тизимга эга бўлган алоҳида махсус илмий – услубий изланишларни тақозо этаётганлигини тарқоқ кузатамиз;

- мавзуни тўлақонли ёритиш жуда катта ҳажмдаги маълумотларнинг ичидан айнан шу соҳадага тегишлиларини саралаб олиб, уларни чуқур илмий – амалий таҳлил этиш ва уларни бевосита амалиётга кенг татбиқ этишни талаб қилади.

1.2. Ривожланган Осиё мамлакатлари (Корея, Хитой, Япония) замонавий педагогик технологияларининг Ўзбекистон таълим тизимида

қўлланилиш ҳолати

Мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларданок Ўзбекистон ҳукумати таълимга устивор соҳа сифатида эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасида аниқ ва равшан ҳамда илмий асосланган давлат сиёсати мавжуд бўлиб, у инсонпарварлик ва демократик тамойилларга асосланади ҳамда ҳар бир фуқаронинг билим олиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қонунийлаштирилган. Мустақил Республикамизда ҳалқ таълими тизими мазмунини янгилаш ва янги ижтимоий муҳит шароитида уни янада ривожлантириш зарур эди. Чунки ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий соҳаларда олиб борилаётган ислохотларда асосий мақсад ҳам барча фуқароларнинг ҳаётини ижтимоий химоялаш, уларнинг турмуш шароитини яхшилаш, маънавий жиҳатдан юксалтириш, энг муҳими, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдан иборатдир. Ана шу мақсадни амалга ошириш борасида Республикамиз ҳукумати ҳалқ таълими тизимини тубдан ислох қилишни ва миллий кадрларга бўлган эҳтиёжни тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб таълим тизимини ҳам янгилашни тақозо этар эди. Шу мақсадда 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1X сессиясида “Таълим тўғрисида” Қонун ҳамда “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури” кенг муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. таълим, тарбия фуқаролар касбий тайёргарлиги ва

Ҳар бир фуқаронинг илм олиш конституцион ҳуқуқини таъминлаш каби қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди. Республикамиз бугунги кунда тубдан янги давлат бўлиб, унда ҳар бир сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳадаги ислохотлар ҳам янги таълим тизимида босқичма-босқич олиб боришни назарда тутлади. Зеро, таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам янги босқичма-босқич ўтиш тамойилига асослангандир. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳам узлуксиз таълим тизимини ислох қилишнинг ташкилий, илмий ва методик асоси бўлиб ҳисобланади. Миллий дастўрнинг асосий мақсади узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш бўлиб, у ижодий ва мустақил фикрловчи, тафаккури ривожланган, эркин шахсни шакллантириш билан барча соҳаларда рақобатбардош кадрлар тайёрлашни кафолатлаш билан аҳамиятлидир.

Шунга кўра, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бой маданиятимизни тиклаш ва уни ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш, уни замон талабларига жавоб бера оладиган жаҳон андозалари даражасига кўтариш мақсадига эътибор бериб борилмоқда.

Таълим соҳасида “Таълим тўғрисида” Қонун қабул қилинганлиги, 1996—1997 йилдан бошлаб биринчи синфларда ўқишнинг лотин ёзувига асосланган янги алифбода дастур, қўлланма, дасрликларнинг яратилганлиги — бу таълим соҳасида қўйилган дастлабки одимлар эди.

Ўтган даврда янги турдаги таълим муассасалари ташкил этилди. Олий ўқув юртлари қошида лицейлар очилди. Қобилиятли ўқувчилар чет элларда таълим ола бошлади. Ўқитувчилар хорижий давлатларда бўлиб, илғор тажрибаларни ўрганиб кела бошладилар.

Вилоятларда янги-янги бизнес мактаблари, кичик ва ўрта касб Ҳунар курслари очила бошлади ва бозор иқтисоди шароитида фермер, солиқ ва божхона ходимлари, аудит в.б. янги мутахассисликлар киритилди.

Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди. Вилоятлардаги педагогика институтлари университетларга айлантирилди, чет эл мутахасислари республикамиз ўқув муассасаларига жалб этилди.

Лекин ҳозирги даврда амалга оширилган барча ишларга қарамай таълим тизими ҳали ҳаёт талаби даражасида натижаларга эришмаётгани, эски Шўро замонидан мерос бўлиб қолган мафкуравий қарашлардан ва сарқитлардан халос бўла олмагани, шунингдек, узлуксиз таълим тизимини ташкил этиш муаммолари тўлиқ ҳал этилмагани ва нихоят, амалдаги таълим тизими тараққий этган давлатлар даражасида ривожлана олмаганини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мутахасислар кадрлар тайёрлаш, уларга билим ва тарбия бериш тизими мамлакатимизда амалга ошаётган ислохотлар билан боғланмагани, мактабларнинг моддий базаси талабга жавоб бера олмаётгани, кадрлар, ўқитувчилар тайёрлаш муаммоси ҳали ҳал этилмагани маълум бўлди. Ўқув дастурлари, қўлланма ва дарсликлар ҳам талабга жавоб бера олмаётганини ҳаёт кўрсатмоқда

Олий таълим соҳасида ҳам ислохот ўтказишни талаб қила бошлади. Буларнинг барчаси ҳисобга олиниб, 1997 йил март ойида Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ, таълим тизимини ислох этилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнига замон талаби даражасида ўзгартиришлар киритиш мақсадида махсус комиссия тузилди ва натижада “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Таълим тўғрисида” Қонун Олий Мажлис сессиясида қабул қилинди.

Ушбу икки ҳужжатга асосан таълим тизимини ислох қилишни босқичма-босқич амалга ошириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар жамият тараққиётини таъминлаш, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш, шунингдек мустақил фикрлай оладиган, эркин ва ижодкор шахсни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Таълимий ислохотларнинг сифат босқичи кечаётган мавжуд шароитда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим

тўғрисида”ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”да белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга оширишга эришиш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастурининг бош ғояси — комил инсон ва малакали мутахасисни тайёрлаб вояга етказишдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов умуммиллий ғоя ҳақида тўхталар экан, ўз маърузаларида комил инсонни тарбиялаш масласини давлат сиёсатининг устивор ғояси деб эълон қилинганлигини, комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, билимли, маърифатли кишиларни тушунишимиз кераклигини бир неча бор таъкидлаб ўтган. Дарҳақиқат, комил инсон шахсида мужассамланиши лозим бўлган сифатлар сирасига илмий билимлар ва мутахасислик фанлари асосларини пухта ўзлаштириш, замонавий техника ва технологиялар, уларнинг хизматидан фойдалана олиш каби ҳолатларнинг намоён бўлиши малакали мутахасисни тайёрлаш борасидаги ижтимоий зарурият моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Таълимни технологик ёндашув асосида ташкил этиш эса ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, шунингдек, ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда ўқув дастурида ўз ифодасини топган мавзуларнинг маълум андоза(кичик модел)ларда акс эттирилиши, кичик гуруҳлар асосида фан мазмуни муайян қисмларининг пухта ўзлаштирилишига ёрдам беради. Ноанъанавий шаклда ташкил этилаётган дарслар ўқувчиларни жамоа ҳамда гуруҳ иштирокида фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш билан бирга ўзгалар фикрини тинглаш, ўзининг мустақил қарашларини илгари суриш, уларни далиллаш, мавзу юзасидан билдирилаётган фикрларни умумлаштириш, улар орасидан энг муҳимларини танлаб олиш, шунингдек, якуний хулосага келиш имконияти яратиладики, бунинг натижасида ўқувчиларда ўқув материалларини ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж юзага келади ҳамда ривожланиб боради.

Осиё ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини қўллашдаги психо — дидактик асослар муаммоси ҳозирда нафақат миллий педагогикамизда, балки умумий педагогика соҳасида нисбатан махсус

Ўрганилганмаган педагогик йўналишлардан биридир. Муаммонинг айрим жиҳатлари бошқа йўналишлардаги тадқиқотларда турли хил кўринишдаги қисқача статистик ҳарактердаги тўлдирувувчи бандлар сифатида учраши мумкин. Шундай бўлсада бу соҳадаги миллий педагогикамизда бўлган эҳтиёжнинг кундан – кун ошиб бораётганлигини кузатиш мумкин бўлади. Осиёнинг ривожланган давлатларидан педагогикамизга инвестицияларнинг кириб келаётганлиги, ўша давлатларга бориб ўқиётганган ёшлар сонининг ошиб бораётганлиги ва ўша ерлардан янги педагогик технологияларнинг кенг қўламдада кириб келаётганлиги юқорида қайт этилган эҳтиёжни янада оширади. Шу жиҳатдан олганда муаммо ўрганилганиши даражасининг жамиятда ва айниқса педагогика – психология соҳаларида бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар ва улардан келиб чиқадиган эҳтиёжлардан анчагина орқада эканлигини кузатиш мумкин бўлади. Муаммога оид маълумотлар ҳозирда махсус ўрганилганиши ва яхлит тизимлаштирилиши зарур бўлган тарқоқ ҳолдадир. Уларни тарқоқ бир йўналишда таҳлил этиш ва тизимлаштириш назарий ёндошув ва амалий тажрибалар билан боғлиқ жуда катта ҳажмдаги чуқур самарали изланишларни тақозо этади. Бу изланишлар мактабларнинг бошланғич синфлари доирасида амалга оширилиши кейинги тадқиқотларнинг дебочаси бўлиб ҳисобланади. Мактаблардаги таълим шакллариининг таҳлили бу тадқиқотларнинг зарур бир шартларидан ҳисобланади.

Мактаблардаги ўқув жараёни шаклларига одатда маъруза, амалий машғулотлар, очик дарслар, маслаҳатлар, экскурсия ва мустақил ишлар киради.

Маъруза – мактаблардаги дарсларда мавзунини мантиқий изчилликда ва аниқ изоҳлаб бериш. Маъруза ўқитувчи шахсининг барча бойлиги: онги, ҳиссиёти, иродаси, туйғуси, эътиқоди орқали ўқувчиларлар ички дунёси билан мулоқотда бўлишининг энг самарали, жонли шаклидир. Бунда у ўқитишнинг йўналтирув, ахборот бериш, методологик ва тарбиялов функцияларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Маърузанинг йўналтирув функциясида ўқувчиларнинг диққати ўқув материалининг асосий қоидалари ва уни ўзлаштириш усулларига жалб қилинади. Маърузанинг ахборот бериш функцияси ўқитувчи томонидан асосий маълумотлар, қоидалар, хулосаларнинг моҳиятини очиш чоғида амалга оширилади. Ўқитишнинг методологик функцияси маълумотларни қиёслаш ва ўқувчиларнинг ёндашувларини аниқлашга ёрдам беради. Ўқитишнинг тарбия функцияси маъруза жараёнида ўқувчилар қизиқишларини ўстириш, мантикий фикрлаш ва ўз фикрини ифода этишни шакллантиришда кузатилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, маърузаларда ҳал қилинадиган асосий вазифалар қуйидагилардан иборат:

- илмий билимларнинг муайян миқдори баён қилинади;

-ўқув фаолияти ва ўқув машғулотларининг барча турлари орасидаги алоқалар амалга оширилади.

Маърузалар дидактик мақсади, ўқитиш жараёнидаги ўрни, ахборотларни баён қилиш методларига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Дидактик мақсадига (йўналганлигига) кўра кириш, тематик ва умумий - якуний маърузалар фарқланади.

Кириш маърузаларда фаннинг ўрни ва аҳамияти очиб берилади.

Тематик маърузалар. Бундай маъруза у ёки бу мавзуга бағишланган бўлади.

Умумий-якуний маъруза аввал ўрганилган материалларни қайтадан умумлаштиришга қаратилган бўлади.

Ахборотларнинг баён қилинишга кўра маърузалар догматик, ахборот ва намоёиш қилиш ва муаммоли маърузалардан иборат бўлади.

Мактаб ўқитиш тизимига маъруза билан биргаликда амалий машғулот турлари ҳам кирадики, улар: таълимий ва тарбиявий вазифаларни бажаради. “Амалий машғулот” атамаси педагогикага оид адабиётларда ҳам кенг, ҳам тор маънода изоҳланади. “Амалий машғулот” термини кенг маънода машқ, семинар (уларнинг барча турлари) ва лаборатория машғулотларини умумлаштиради. Амалий машғулотларнинг маърузадан фарқладиган асосий

меъёрларидан бири ўқувчиларнинг биргаликдаги ҳаракатларида ўзига хос характер билан намоён бўлишдир. Улар вазифаларига кўра ҳам фарқланади. Агар маърузада билим маълумотлари асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва тарқоқлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар ўқувчилар билимини синаш учун ҳам хизмат қилади.

Илғор технологияларга асосланган ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда ўқувчиларнинг мустақил ишлари муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантирилади.

Илғор педагогик технологияларга оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив-вариатив;
- эвристик (қисман, ижодий);
- ижодий тадқиқот.

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди.

Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тузилмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тутди.

Эвристик мустақил ишлар маърузада қўйилган алоҳида масалани ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Ижодий тадқиқот ишлари ўқувчининг қизиқишлари билан боғлиқ ишларни ташкил этиш.

Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш, олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Ўқувчилар мустақил ишларини тўғри ташкил этишнинг асосий шартлари эса қуйидагилардан иборат:

- мустақил ишлар маълумотларининг енгил ва тушунарли бўлиши;
- мустақил равишда ўз билимларини янада ошириб боришга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши;
- мустақил ишлар вазифаларнинг ўқувчилар имкониятига қараб берилиши;
- мустақил ишларни ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш.

Мактабдаги ўқув жараёни ўқувчиларнинг мустақил таҳсилини ташкил этишни ҳам назарда тутди. Ўқувчиларнинг мустақил таҳсилига уларнинг ўз билимларини кенгайтириш ва кўникмаларни ривожлантириш ҳамда янги билимларни ўзлаштиришга бўлган интилиши ошириш сифатида қаралади.

Мустақил таҳсилнинг вазифаси эса ўқувчининг интеллектуал имкониятларини янгилашдан иборатдир.

Мустақил таҳсил бўйича машғулотларнинг изчиллигини ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида унинг режаси тузилади.

Режада қуйидаги талаблар қўйилади:

- режалаштирилаётган ишларнинг ҳажми ва олдинма-кетинлиги;
- уларнинг бажарилиш муддатлари;
- мустақил таҳсил бўйича тегишли кўрсатмалар бериш.

Мустақил таҳсил жараёни унинг аниқ шакли, методлари ва усулларини қамраб олиши шарт.

Мустақил таҳсилнинг муҳим методларидан бири уларнинг мулоқотидир. Мустақил таҳсилнинг пировард мақсади ўқувчиларни ўзи устида ишлаш жараёнига тортиш ва ўқувчиларнинг шахсий сифатларини ўстиришдир.

Осиёнинг ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини юртимизда жорий этишнинг психо-дидактик асосларининг ривожланиш ҳолати буйича қуйдаги дастлабки хулосаларни келтириш мумкин бўлади:

- бу соҳада буйича маълумотлар учраб турсада, унинг алоҳида махсус илмий йўналиш тизимига эга бўлиши учун етарли эмас;

- ушбу соҳадага оид маълумотлар оқими йилдан – йил кучайиб бораётган бўлсада, уланинг аксарияти ахборот – инфор­мацион ҳарактерга эгадир;

- миллий педагогикамизнинг психо – дидактик асослари призмаси орқали Осиё илғор давлатлари илғор педагогик технологияларини ўзимизда ўрганиш ва уни бевосита амалиётга жорий этиш ишларига оид амалий ўринишлар дастлабки ҳарактерга эгадир;

- бошланғич синфларда ушбу мавзу буйича маълум бир ишларни амалга ошириш улардаги ва биздаги болалар таълим – тарбия билан боғлиқ имкониятларидан келиб чиқадиган тафовутларни тарқоқлаш ва маълум бир даражада киёслаш асосида илмий – услубий мувофиқлаштириш билан боғлиқ назарий изланиш ҳамда амалий ҳаракатларни талаб қилади;

- ҳозирда бу мавзу долзарблиги яққол кўзга ташланиб турган бўлсада, энди янгидан бошланаётган иш сифатида амалий ҳаракатларнинг унга бўлган эҳтиёжлардан орқада қолиб келаётганлигини қайт этиш мумкин бўлади;

- ҳозирда республика­мизнинг жаҳон ҳам­жа­мия­тига кенг очилиб бориши натижасида бошқа соҳаларда бўлганидек педагогикамизнинг тараққиёти ўзига хос бир синов майдони сифатида турли технологияларнинг синтезлашиб янги тизим ҳосил қилаётган улкан бир ўзгаришлар сахна­сига айланганлигини қайт этишимиз лозим бўлади.

Таълимни ривожлантиришга йўналтирилган хорижий техник ёрдам ҳажми ўтган даврда 500 млн. доллардан ошиб кетди. Осиё тараққиёт банкининг 290 млн. доллар маблағи Жанубий Корея ҳуку­ма­ти­нинг 110 млн.дан ортиқ, Жаҳон банкининг 33 млн., ОПЕК фонди, Саудия фонди,

Ислом тараққиёт банкининг 42 млн., Германия ҳукуматининг “КфВ” банки орқали йўналтирилган қарийб 20 млн. ва бошқа донорларнинг 100 млн. доллардан ортиқ ёрдами кўрсатилди. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган Дастур - бу бошқа моделларни қандайдир такрорлаш ёки улардан нусха кўчириш эмас, аксинча, биринчи навбатда, ривожланган демократик давлатларда тўпланган тажрибани ўзида мужассам этган ва айти пайтда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган дастурдир”.

1.3. Бошланғич синфларда таълим технологияларини қўллашнинг психодидактик асослари илмий ва амалий концепцияси.

Ривожлантирувчи таълим деб номланган психологик-дидактик тушунча психодидактика деб аташ мумкин бўлган соҳага тегишли бўлиб, у кўп предметли муаммоларни ҳал этишга қаратилади.²

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим сиёсатида ёш авлодни интеллектуал ва ахлоқий ривожлантиришга, яъни уларда мақсадли танқидий ва ижодий тафаккурни шакллантириш, ўқувчиларнинг ахборот компетенциялари, тез ўзгарувчан шароитга мос ижтимоий адаптацияга эга бўлиш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратади. Кенг маънодаги **“ривожлантирувчи таълим”** деб номланган интегратив тушунча юқорида санаб ўтилган мақсадларни ўзида мужассам этади. Бу эса ўз навбатида кўп предметлилик асосида қурилган, янгича типдаги ривожлантирувчи таълим муҳитини лойиҳалашга қаратилган инновацион **педагогик технологияларни** ишлаб чиқиш, таълимнинг такомиллаштирилган **метод ва воситаларини** танлаш ҳамда янги авлод **ўқув қўлланмаларини** яратишни талаб этади.

Ривожлантирувчи таълим назарияси ва амалиёти **психо-дидактик парадигма** орқали асосланади. Бунинг замирида эса бола ривожланишининг психологик қонуниятлари ҳамда ўқувчининг билув ва шахсий ривожланиши

² В.Давыдов. Теория развивающего обучения. - М., 1996. – С. 391.

устиворлиги ётади. Шунингдек, психик ривожланишнинг ёш давлари, яқин ривожланиш зонасига йўналганлик, фаолиятнинг етакчи типлари, таълим ва ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги ҳам муҳим асос саналади.

Таълимнинг психо-дидактик парадигмасини амалга оширишда педагогик ва психология фанларининг ўзаро алоқадорлиги ва ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. “Ривжлантирувчи таълимга амалий йўналганлик ёндашуви” деб номланган илмий мақола муаллифлари ривжлантирувчи таълим асосий ғояларини асослаб берар эканлар, **дидактика ва психология** фанларининг интеграцияси муҳимлиги шартига алоҳида тўхталиб ўтадилар: “Педагогик тизимни қуриш ва ўқув-методик материалларни тайёрлаш жараёнида психология ва педагогика ўртасидаги ўзаро алоқадорлик устиворлиги ўзгаради, зеро ривжлантирувчи таълим айнан **бола ривожланишининг психологик қонуниятларни** чуқур билиш ва қўллай олишга асосланади”.³

Шу муносабат билан XX аср таълим муаммоларини ҳал этишда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган буюк олим Ж.Дьюини тилга олмасликнинг иложи йўқ. У ўз педагогик қарашларида анъанавий таълимнинг аниқ альтернативини асослаб берди. Бу альтернативнинг моҳиятини у шундай ифодалаган эди: “Айни пайтда таълим соҳасида бошланаётган ўзгаришлар оғирлик марказини кўчиришга асосланган. Бу ўзгариш, инқилоб Коперникнинг астрономик марказни Ердан Қуёшга кўчирганидаги кашфиёти билан тенгбўлиб, унинг атрофида таълим воситалари айланади”.⁴

Кўриниб турибдики бунда бола “педагогик олам маркази” деб қаралади, у педагогика учун ҳам, психология учун ҳам асосий қадрият саналади. Психо-дидактик парадигмада, ривжлантирувчи таълимда, психодидактикада ҳамма нарса боланинг қизиқишлари, эҳтиёжи, унинг ривожланиш қонуниятларига бўйсундирилади. Продуктив таълим тизимида таълим олаётган бола “функция бажарувчи эмас, балки ҳамкор сифатида идрок этилади. Масалан, эстетик

³ Лебедева В.П., Орлов В.А., Панов В.И. Практико-ориентированные подходы к развивающему образованию. - М.: Педагогика, 1996. № 5.

⁴ Дьюи Д. Демократия и образование / пер. с англ.яз. - М., 2000.

жараёнда (А.А. Запорожец), ўйин жараёнида (Д.Б. Эльконин), ўқув жараёнида (В.В. Давыдов), ақлий ўсиш жараёнида (Г.А. Цукерман) ва ҳ.к.зо”.⁵

Л.М.Фридман педагогика ва психология ўртасидаги узилишни бартараф этиш мақсадида фаннинг янги йўналиши атамасини “психодидактика”ни асослаб беради. Унинг фикрича педагогика “боласиз”, яъни ўқувчи аталмиш мавҳум субъектлар билан иш олиб боради. Унга ўқувчилар руҳияти ва шахсини шакллантирувчи психология билан қўшилиш эҳтиёжи зарурдир.

“Ривожлантирувчи педагогика”ни таълим ва тарбия бирлиги сифатида болани ривожлантириш ишини амалга ошириши жиҳатидан кўриб чиқар экан, В.В. Давыдов шундай ёзади: “Табиийки ривожлантирувчи педагогика муаммолари бир вақтда психология, педагогиканинг турли соҳалари билан биргаликда ишлаб чиқилиши лозим, яъни улар психодидактиканинг предметига айланиши керак бўлади”. В.В.Давыдов бу атама хориж адабиётида анчадан буён ишлатилаётганлиги, масалан 1984 йилда чоп этилган Э.Стоунсон ишида учрашини кўрсатиб ўтади.

Психодидактикани биз психологик педагогиканинг асосий бир қисми сифатида кўриб чиқамиз. Бунга ёрқин мисол тариқасида педагогик психологияни келтиришимиз мумкин. Бундай “ривожлантирувчи педагогика назарияси ва амалиёти бирлашган, шахсга йўналтирилган ўқитиш” дан келиб чиқувчи муваффақиятли уйғунлашган педагогика ва психология бошида К.Д. Ушинский, П.Ф. Каптерев, А.П. Нечаев, А.Ф. Лазурскийлар турадилар. Уларнинг диққат марказида билимларни ўзлаштириш ва ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш масаласи жой олган. Умумий, ёш билан боғлиқ ва ижтимоий педагогика қонуниятлари болани ўқитиш ва тарбиялаш илми сифатида педагогиканинг вазифаларини ҳал этишга доим хизмат қилиб келади.

Ҳозирги тасаввурлар бўйича «Психологик педагогика, педагогик психология ва педагогикага нисбатан тажовуз эмасдир. Шунинг учун психологик педагогика кенг маънода лойиҳавий, психотехник характерга эмас,

⁵ Психологический словарь. - М.: Педагогика – пресс, 1996. С. 302.

балки яқин ҳамсухбат, ўйлантирувчи, тушунувчи, қайғурувчи ва ҳамдард мазмунга эгадир”. Психологик педагогиканинг машҳур вакилларида бири В.П. Зинченко мутахассисларни боланинг “ривожланиш сирлари” га киришга чорлайди, таълимда назария ва амалиётни “маданий ҳодиса жараёни” талаблари асосида ташкил этишни талаб қилади. У психология ва педагогиканинг вазифаларидан бирини психологик билимларни педагогларга жонли, енгил тарзда етказиш ҳамда уни бойитиб боришда деб билади. Шу жиҳатдан педагогика бир вақтнинг ўзида ҳам фан, ҳам амалиёт ҳисобланиб, идеалда эса инсон шахсини шакллантирувчи технология ҳисобланади.

Психологик педагогика таълим илмида, амалиётида ва технологиясида психологик билимларнинг жонли амалга ошишининг яхлит бир намунаси сифатида давр талаб қилган ёрқин бир тизимдир. Шубҳа йўқки, ҳозирда педагогик назария ва амалиёт ривожланишининг зарур шартларидан бири бу таълим компонентларининг психология ва фалсафа компонентлари билан бевосита боғлиқлигидир.

Ушбу уйғун боғлиқликнинг зарурлигини машҳур педагог олим В.А. Сластенин жуда чиройли изоҳлаб бергандир: “Педагогиканинг психология билан алоқаси анча анъанавийдир. Педагогика ҳақиқий фанга айланиши ва ўқитучи фаолиятини тўғри йўналтириши учун инсоннинг узига хос индивидуал ривожланишидаги реал вазиятларни аниқ ҳисобга олиши зарур бўлади”. Бунини уч юз йилдан олдинроқ Я.А. Коменский айтиб ўтган эди. У ҳатто дурадгор стол ясаши учун дарахтнинг зотини, хусусиятини, қайта ишлаш усуллари билиши зарур деб ёзади. Наҳотки дарахтга нисбатан одам шунчалик оддийки, айрим ўқитувчилар ўқувчилар табиатини, ўзига хослигини, руҳиятини, унга таъсир этиш йўллари билмай туриб, уни “шакллантиришга” ҳаракат қиладилар. Инсон табиатини, унинг табиий эҳтиёжлари ва имкониятларини тушуниш, таълим механизмларини, психик фаолият қонуниятларини ва шахс ривожланиши жиҳатларини инобатга олиш талаблари, маорифни (таълим ва тарбияни) шу қонуниятлар, хусусиятлар, эҳтиёжлар ва имкониятлар асосида ташкил этиш ғоясини барча буюк педагоглар илгари сурганлар” .

Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқалари ривожланиши унда янги соҳаларнинг, яъни тармок фанларининг вужудга келишига сабаб булади. Ҳозирги замон педагогикаси бир қанча яқин фанларнинг ўзаро ички бирлигидан иборат бир мураккаб тизимдир.

Ҳозиргача бўлган педагогик фанлар тизимидаги манбааларда **психодидактика** атамаси учрамасада, у замонавий таълим ва тарбия тизимига кенг қўламда кириб келмоқда. **Янги ярим тармок, педагогик, психологик билимларнинг янги соҳаси бўлган психодидактика бу давр талабидир.**

«Психодидактика» тушунчаси XX асрнинг 60 йилларида шакллангандир. Таълим амалиётидаги янгиликлар билан бевосита боҳлиқ билимларнинг бу янги соҳаси шаклланганига 25 ёки 30 йиллар бўлган холос. Ярим тармокчилиқ ва билимлар тизимидаги янги соҳалилик бу “ҳозирги давр модаси” га эргашиш бўлмай, у ривожланаётган фан ҳамда тезкор тараққиёт даврининг муҳим эҳтиёжларидандир. Гарчи янги тушунча педагогика фанлари тизимида “охиригача қарор топмаган” бўлсада, у бўйича ҳозиргача кўплаб изоҳлар давом этиб келадики, улардан В.В. Давыдов бошчилигида амалга оширилган соҳа тавсифлари ва амалий тадқиқотлари билан боғлиқ асосларга тўхталиб ўтамиз.

Психодидактика – илмий билимларнинг ярим тармок соҳаси бўлиб, психологик, дидактик, услубий билимларини уйғунлаштирувчи ҳамда ривожлантирувчи таълимда шахсни шакллантиришга йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнларида кенг қўлланиладиган илмий ва амалий тизимдир.

Билимлар тизимидаги янги соҳанинг асосий мақсади бу таълим ва тарбия жараёнида ўқувчилар психикасининг турли йўналишлари бўйича зарур шарт шароитларни яратишдан иборатдир. Ривожлантирувчи таълимни ташкил этишда ва **психодидактик тамойиллар** асосида таълим ва тарбия жараёнини лойиҳалаштиришда шахснинг психологик ривожланиши ва психологик назарияларнинг амал қилиш қонуниятлари устивор бўлади.

Психодидактика ўқувчиларнинг интеллектуал, шахсий, ҳиссий, маънавий ахлоқий, психосоматик ривожланиш жихатларини назарда

тутади ҳамда у тарбияланувчига ўз шахси ривожланишининг тўлақонли субъекти сифатида кўникмаларига эга бўлишига имкон яратади. **Психодидактика** интегратив, яримдисциплинар соҳа сифатида ривожланувчи таълимдаги ўқитиш билан бирга ўқувчининг субъект каби шахсий тикланиб бориши, билиш қизиқишлари, маънавий ахлоқий ҳамда фаолиятининг изчиллиги хусусида тасаввурлар ҳосил қилади.

Муаллифлар сўнгги 25 йиллар давомида ривожланувчи ва ривожлантирувчи таълим хусусида фикр юритиб, йилдан йилга унинг тўлақонли асосланганлигига ишонч ҳосил қилиб бормоқдалар. В.В. Давыдов ривожлантирувчи таълим тараққиётида психология инобатга олинсада, у “диктатор” булмаслиги керак деб қайд этган эди. Чунки ўқитувчилар ва ўқувчилар ҳаётлари инсон шахси психологиясини белгиловчи ижтимоий педагогик шароитлардан келиб чиқади. Бу қонуниятлар аниқ бир ижтимоий тарихий мазмунга эга бўлиб, уларнинг ўзгариши шахснинг ижтимоий ва рухий ўзгаришларига таъсир қилади.

“Психодидактика” атамаси қатъий қилиб айтганда даставвал таълим жараёни билан бевосита боғлиқдир. В.В. Давыдов шунга диққатни тортар экан, ёзади: “Айтиш керакки ривожлантирувчи ўқитиш – психологик – дидактик асослар шундай соҳага тўғри келадики, уни ярим тармоқли муаммоларни самарали ҳал этаётган психодидактика тизими дейиш мумкин. Бу муаммолар бир вақтнинг ўзида психик ривожланиш хусусиятлари бўйича ҳам психология томонидан, таълимни ташкил этиш асослари бўйича ҳам дидактика томонидан ўрганилиши зарур бўлиб қолади. Лекин бу ишларнинг барчаси яхлит ва ягона мантиқий тизим асосида амалга оширилиши лозим бўлади.

Бу масалада В.В. Давыдовнинг ҳаммаслаклари ҳозирда жуда кўпдир. Масалан бу йўналишда Н.Ф. Талызина тадқиқотларини эслашнинг ўзигина кифоядир. Уўз ишларида “ўқитиш, дидактика, шахсий услублар ва амалий тажрибалар психологияси” соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишни жуда изчиллик билан талаб қилади. Ёйинки А.З. Рахимов ишларини олайлик. У психодидактикага ўз муносабатини таълим ва тарбиянинг асосларини умумий

ва ёш психологияси ҳамда педагогик психология қонуниятларига таяниб очиб берувчи тизим сифатида билдиради. Юқоридаги ишлар қаторида А.Н.Крутецкий тадқиқотлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. У психодидактикани унинг услубий асосларига таяниб умумий ва алоҳида фанлар бўйича махсус тизимларга ажратиб кўрсатади. С.Д. Поляков ишлари ҳам қизиқарли бўлиб, у ҳозирги замонда психологиялашиб бораётган педагогика йўналишлари муаммоларини очиб беришга ҳаракат қилгандир. Қизиқарли тадқиқотлардан яна бири М.А.Холоднова ва Г.Э. Гельфманларнинг «Мактаб дарслиги психодидактикаси» асари бўлиб, унда интеллектуал тарбия психодидактик асослардан туриб таҳлил этилади. Чет эл тадқиқотчилари ҳам юқоридаги тушунчаларни кенг қўллайдилар. Римнинг «La Sapienza» университети профессори Мария Серена Веджетти шундай таъкидлайди: “билимларни ўзлаштиришдаги ақлий жараёнларни шакллантиришда кучли психодидактик назарияга асосланмаган ўқитувчи ўта ёрдамга муҳтож ҳолга тушиб қолади”. Рим университетининг талабалари эса Давыдов ва Выготский ҳамда унинг мактаби томонидан яратилган психопедагогика ва психодидактикага оид ишларни пухта ўрганишади.

Мактаб амалиётида ривожлантирувчи ўқитиш ғояларининг **кенг тарқалиши** умумий таълимга нисбатан психологик қонуниятларга асосланган **ривожлантирувчи таълим** сифатида қараш тизимини пайдо қилди.

Ривожлантирувчи таълим назариясининг ёрқин намоёндаларидан бири А.Дистервег эди. Унинг фикрича, таълим билиш жараёни сифатида бола ақли ривожланишига мос қурилиши керак ва бу жараёнда бола фаол ва мустақил иштирок этиши лозим. Унинг **ривожлантирувчи таълим назарияси** уч принципга асосланади: табиатга мосланганлик, маданиятга мослик ва боланинг ижодкорлик фаолияти.⁶

⁶ Дистервег А. Избранные педагогические сочинения. - М.: Гос. учебно-педагогическое изд-во МП РСФСР, 1956.

Таниқли рус педагоги К.Д. Ушинский **психологик, педагогик ва физиологик** ҳодисаларни бирлаштирган ҳолда изоҳлаб ўтадики, боланинг ташқи дунёга қараши, унинг ҳақида тасаввур ва тушунчаларнинг пайдо бўлиши сезгиларга асосланади. К.Д.Ушинский психиканинг ҳиссий-эмоционал томони ақлий ривожланиш билан, яъни “ақл-идрокнинг пайдо бўлиши” билан бирга ривожланишини кўрсатади.⁷

Дьюи Д. **таълимни инсоннинг ўқиш, ривожланиш ва тарбияланиш** жараёни сифатида таърифлайди. Бунинг натижасида социумнинг ўсиб келаётган ёш аъзоси унга мос меъёрлар асосида шаклланади. Асосий педагогик муаммолардан бири сифатида Ж.Дьюи формал (давлат таълими), ноформал (қўшимча таълим) ҳамда информал (ички сабалр туфайли ўз-ўзидан юзага келадиган, мустақил бажариладиган) таълим ўртасидаги мувозанатни сақлаш деб ҳисоблар эди. Мактаб ижтимоий фаоллик билан кутилган жамият образини ишлаб чиқади, атрофдаги социумга ўзгартирувчи ва қайта қурувчи таъсир ўтказади, ўқувчиларнинг ижтимоий ҳаётга шахсан ҳиссаларини қўшиши учун шарт-шароит яратиб беради. Дьюининг мактаб модели маданиятга йўналганлик, танқидий фикрлаш, ижтимоий самарадорлик, ахлоқий масъулият, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, ўз-ўзини ижодий намоён этиш қобилиятларини ривожлантиришни таъминлайди.

Ривожлантирувчи таълим моделларини ўрганиш ва лойиҳалаштиришда тадқиқот предмети сифатида ўқувчининг **яхлит психик ривожланиш жараёни** (индивидуум психикасининг ақлий, шахсий, ҳиссий, маънавий-ахлоқий, психосоматик соҳалари) олинади. Бунда ўқувчи ўз ижтимоий ривожланишининг субъекти бўла олиш қобилиятини эгаллаши лозим.

Ривожлантирувчи таълим концептуаль асосларини рус олимларидан А.Г. Асмолов, В.П. Зинченко, В.В. Рубцов, В.И. Слободчиков кабилар ҳам ишлаб чиққанлар.

⁷ Ушинский К.Д. Педагогические сочинения в 6 томах / сост. С. Егоров. - М.: Просвещение, 1990.

Замонавий психолого-педагогик назария ва амалиётда қатор концептуал ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар ривожлантирувчи таълим моҳияти ва методологиясини очиб беради.

Ривожлантирувчи таълим шахсга йўналтирилган. Аммо бу ўринда шахс ўзининг ривожланишида қандай ўрин тутишини концептуал аниқлаш зарурати пайдо бўлди: ё **мақсад**, ёки **восита**. **Анъанавий таълим**да шахс ташқаридан қўйилган мақсадга эришиш йўлида **восита** сифатида фойдаланилади. Ривожланишнинг шахсий мақсадлари “амали”, “механизмлари” шахснинг ижтимоий кераклиги жихатидан келиб чиққан ҳолда йўл йўлакай амалга ошиб боради.

Ривожлантирувчи таълим инсоннинг шахс сифатидаги яшашининг “механизмлари”ни, яъни рефлексия, тафаккур, танлаши, масъулияти, мустақиллигини таълимнинг мақсади сифатида куриб чиқадики, унга етишиш учун унинг мазмуний ва жараёнли компонентлари фаолиятга бўйсундирилади.

Таълимнинг анъанавий методикага асосланганлиги таълим тизимининг вазифаси сифатида унинг сиёсий ва давлат олдидаги ишларини тушунган. Шу сабабли тадқиқотчилар “янги шахс модели”ни (В.С. Ильин), “таълимни оптималлаштириш”ни (Ю.К. Бабанский), “тарбиянинг намунали мазмуни”ни (И.С.Марьенко) давлат ва сиёсат талаблари доирасига бўйсундирганлар. Таълим тизими тараққиётининг маълум бир босқичида улар албатта самарали ижобий аҳамиятга эга бўлган.

Ривожланган таълим услубиётида **“шахс бирламчилиги”** устивор хисобланади. Педагогик ҳаракат эса бу инсон фаолиятини **“нозик уйғотиш”**, бошқа бир одамда субъектликни билдирмасдан ўстириб бориш, бу инсонни нафақат билимга, балки маъно ва мазмунга ҳам тортиб боришдир.

Ривожлантирувчи таълим услубиётида турли устиворликлар изохлари орқали инсон **“шахси бирламчилиги”**ни белгилаш тадқиқотчилар орасида турлича ғояларни юзага келтирди. Ривожлантирувчи таълимдаги педагогик тафаккурни ижобий қайта қуришга хизмат қилувчи бир неча илмий ёндашувларни мисол келтирамыз:

1. **ахлоқий-инсонпарвар ёндошув**, ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро мулоқотида “авторитар таъсирни” “ўзаро ёрдам, ҳамкорлик ва биргаликдаги ҳаракатга” айлантиришни талаб қилади;
2. **тенг ролли ёндошув**, таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигининг «**субъект-субъект**ли» тенг шериклар фаолиятидир;
3. **шахс қадрияти бўйича ёндошув**, таълим маршрутларини танлашда шахс эркинлигини ҳимоя қилувчи, шахс қизиқиши, мустақил ривожланиши ва ўзига хослигини ҳурмат қилувчи ғоя;
4. **муҳитга кўра ёндошув**, мактабда ўқувчи таълим олиши учун етарли шарт шароитларни яратишни талаб қилувчи ғоя.

Улардан ҳар бири ривожлантирувчи таълимни ташкил этиш бўйича ўзига хос бир илмий моделларга асос булдилар.

Муаллифлар томонидан ишлаб чиқиладиган модель эса инсон ривожланиши жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган тизимли ва комплекс ёндошувларга асосланади ва психодидактика имкониятларидан кенг кўламда фойдаланганлиги туфайли уни психологик дидактик модель деб атаймиз.

Шу билан бирга **ривожлантирувчи таълим технологияси** ўқувчи шахси мустақил самарали ривожланиши учун тегишли шароитлар ва имкониятлар яратилишини тақозо этади. Ривожлантирувчи таълим технологиясида табиий қонунларга таянган ривожланиш тартиби сақланган бўлиб, у болаларнинг жисмоний ва психологик жиҳатдан меёрида ривожланишлари уйғунлигини таъминлайди.

Ушбу технология асосида турли фаолият йўналишларининг (билиш, ижтимоий, шахсий ҳаёт ва.ҳ.к.з.) ўзига хос қонуниятлари талаблари ётади.

Ривожлантирувчи таълимдаги **педагогик усуллар** эса ўқувчиларда намоён бўладиган истеъдод куртакларини ривожлантириш, ички имкониятларини бойитиш. Улардаги қизиқишлар ва ижодий кўникмалари амалга ошишини тўлиқ таъминлашдан иборатдир.

Ривожлантирувчи таълимнинг психопедагогик тахлили шуни кўрсатадики ўқувчиларнинг ўқиш фаолияти дидактик асослар билан бир қаторда шахснинг психологик ривожланишининг турли қонуниятлари асосида боради.

Бунда тадқиқотчиларнинг диққат марказида албатта ўқувчи шахси муаммолари (ўқувчининг ҳаётда мустақил фаолият мавқеига эга бўла олиши ва ўз шахсини ижодий реализация қила олиши) биринчи ўринда туради. Б.Д. Эльконин ва В.В. Давыдовлар томонидан ишлаб чиқилган **ривожлантирувчи таълим тизими** ўқувчиларнинг назарий тафаккури ва **субъектлилигини** шакллантиришга қаратилган бўлиб, у мактаб амалиёти томонидан инновация сифатида қабул қилинган эди.⁸ Ушбу ривожлантирувчи таълим тизимида қандай дидактикадан фойдаланилган? Балки психодидактикадандир?

«Дидактика» ва «психодидактика» тушунчалари ўртасидаги фарқни асосли тушуниш учун уларни ўзаро таққослаймиз.

Ўзининг келиб чиқишига кўра “дидактика” сўзи грекча сўз бўлиб, didaktikos – “ўргатувчи”, didasko эса “ўрганувчи” деган маъноларни англатади. Шунга кўра кўпгина педагог олимлар дидактикани **ўқитиш ва ўқиш** тўғрисидаги фан, яъни “**ўқитиш-ўқиш**” қонуниятлари, боғланишлари ва ходисаларига оид асосли хулоса ва фаразлар” тизими деб тушунадилар. По своему происхождению «дидактика» восходит к греческому языку, в котором didaktikos означает «поучающий», а didasko – «изучающий».⁹

“Дидактика” сўзини биринчи бўлиб илмий терминлар сирасига киритган олим Ратихий Ратке бўлиб (1571-1635), у биринчи марта бу терминни “Дидактикадан қисқа ҳисобот ёхуд Ратихийнинг ўқитиш санъати” деб номланган маърузасида қўллайди. Чех педагоги Ян Амос Коменский ҳам (1595-1670) бу сўзни худди шу маънода қўллайди. У дидактикани буюк деб

⁸ Лебедева В.П. Развивающее образование в педагогической инноватике. // Журнал научно-педагогической информации. 2011. № 2. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/64-02/217-lebedeva>.

⁹ Куписевич Ч. Основы общей дидактики / пер. с польского О.В. Долженко. – М.: Высшая школа, 1986. С. 386.

атайди ва унга “ҳаммани ҳамма нарсага ўргатиш санъати” деб қараш билан бир қаторда, дидактиканинг ичида тарбия масалаларини ҳам киритади. Тарбияни у ҳар томонлама маънавий баркамолликка олиб боровчи ахлоқни эгаллаш шарти деб таърифлайди.¹⁰

Рус педагоги К.Д. Ушинский шундай деб ёзган эди: «Педагогиканинг асоси жуда кенг бўлиши баробарида усти жуда тор: ибтидоий таълим дидактикаси бир неча томларни ташкил этиши мумкин; университетда маъруза ўқиш дидактикасини эса икки оғиз сўз билан ифодалаш мумкин: “Ўз предметингни яхши бил ва уни аниқ баён эт”»¹¹.

“Дидактика” тушунчасини ёритиб беришда И.Ф. Гербарт, И.Г. Песталоцци, Д. Дьюи ва бошқа чет эл педагоглари улкан ҳисса қўшганлар. Шунингдек, замонавий умумий дидактиканинг ривожланишида эса Н.И. Пирогов, П.Ф. Каптерев, С.Т. Шацкий, П.П. Блонский, Е.А. Голант, Б.П. Есипов, М.А. Данилов, М.Н. Скаткин, В.В. Краевский, О.Розиқов, Б.Адизов, Б.Зиёмуҳаммедов, М.Маҳмудов, Р.Сафарова, Г.Нажмиддинова ва бошқа олимларнинг ҳам ҳиссалари катта.

Юқорида номлари санаб ўтилган ва бошқа муаллифлар дидактиканинг предмети ҳақида турли хил фикрларни билдириб ўтганлар: “Педагогиканинг алоҳида мустақил соҳаси сифатида дидактиканинг предмети таълимнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади”.¹²

Умумий дидактика онгли ташкил этиладиган, тизимли ва режали амалга ошириладиган барча ўқув жараёни таҳлили билан шуғулланади. “Бошқача айтганда, ўқитиш ва ўқиш жараёнига тегишли бўлган барча ҳодисаларни тадқиқ қилади”.¹³ Дидактик тадқиқот предмети “ҳар қандай онгли дидактик фаолият бўлиб, у таълим жараёнида, белгиланган мақсадга бўйсундирилган мазмунида, шаклида, метод, воситаларида акс этади”.¹⁴

¹⁰ Коменский Я.А. Буюк дидактика //—Т.: Ўқитувчи, 1961.Б. 80-161.

¹¹ Ушинский К.Д. Собр. соч в 10 т. — М.: Учпедгиз, 1939.

¹² Харламов И.Ф. Педагогика. — М., 1990.

¹³ Куписевич Ч. Основы общей дидактики / пер. с польского О.В. Долженко. — М.: Высшая школа, 1986. С. 386.

¹⁴ Оконь В. Введение в общую дидактику / пер. с польского. — М.: Высшая школа, 1990. С. 382.

Дидактик тамойилларни ишлаб чиқиш жараёнида “нима учун?”, “нимага?”, “қандай?” деган саволларга жавоб берилади.

«Дидактика фан сифатида ўзаро боғлиқ тушунчалар билан ифодаланади: моҳият, мақсад, тамойил, таълим қонуниятлари, мазмун, технология, таълимнинг шакл, метод, воситалари, таълим натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш тизими, фаолият рефлексияси... Дидактиканинг бош масаласи: **Нима учун ўқитиш керак? Нимага ўргатиш керак? Қандай ўқитиш керак?**», - деб ёзган эди А.Хуторская.¹⁵

Дидактиканинг бу уч анъанавий саволи уч аср давомида классик ғояга айланди. Биринчи савол – таълимнинг моҳиятига, иккинчи савол – унинг мазмунига, учинчи савол эса – унинг шакл ва методларига алоқадор бўлиб, муайян таълимий технологияларда ўз ифодасини топади. Ўзларининг таърифларида дидактикани тадқиқ қилган олимлар ривожланиш қонуниятлари, ёш давлари психологияси, етакчи фаолият турлари назарияси ҳамда индивидуумни шахсга айлантирадиган барча қонуниятлар комплексига асосий эътиборни қаратмайдилар.

В.И. Панов дидактиканинг психология билан интеграцияси муаммоларини тадқиқ қилишда давом этади. У дидактиканинг англаган қизиқишлари спектрига **“Нима учун ўқитиш керак? Нимага ўргатиш керак? Қандай ўқитиш керак?”** деган классик саволлар билан бирга “Кимни ўқитиш керак?”, “Ким ўқиши керак?”, “Қаерда ўқиш керак?” деган саволларни ҳам қўшади. Дидактиканинг уч классик саволи таълимнинг мақсади, мазмуни, метод ва технологик усуллари моҳиятига қаратилган. Психодидактика эса таълим шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган муаммолар (таълим тури, таълим муассасаси типи) доирасини кенгайтиради ва бунда ривожлантирувчи таълим муҳити имкониятлари ҳисобга олинади. Дикқат марказида болалар, уларнинг индивидуал-типологик хусусиятлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари, қобилиятлари туради. Бунда ривожлантирувчи ўқитиш таълими тизими асосида

¹⁵ Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб.: ПИТЕР, 2001. С. 21.

вужудга келадиган муаммоларнинг ўқитувчи маҳорати ва профессионалиги ёхуд қобилиятсизлиги ва ўқувсизлиги билан боғлиқ мураккаб блоклари ҳал этилади. Психологик педагогиканинг таркиби саналган психодидактика фақат тоза дидактик саволлар(нима учун, нима, қандай?)гагина янги маъно бериб қолмай, балки ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги субъектли роли билан, уларнинг коммуникацияси, таълим тизимида ривожланиш учун мавжуд шарт-шароит ва имкониятлар билан боғлиқ янги саволларни ҳам илгари суради ҳамда **таълим мақсади, мазмуни ва методларини шахсий-аҳамиятли ва шахсий-қимматлиларига алмаштиришни назарда тутди.**

Бундан ташқари психодидактика санаб ўтилган муаммоларни ҳал этишда зарур бўлган кетма-кетликни ҳам ўрнатади. Бунда “Кимни ўқитиш керак?” деган савол биринчи ўринга чиқади. Кейин эса классик саволлар серияси (нима учун, нимага, қандай?) саволлари кўриб чиқилади. Юқорида санаб ўтилган саволларга жавоб топилганидан кейин “қаерда ўқитиш?” ҳамда “кимга бунини ишониш керак?” деган саволлар ечимига ўтилади. Психодидактик парадигмада классик дидактик саволлар янгича моҳият касб этади ҳамда улар алоҳида кўриб чиқилиши талаб этилади.

Юқорида билдирилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин бўлади: дидактика ўқитиш жараёнини тадқиқ қилади, психодидактика эса – таълим жараёнини индивидуалликни, субъектликни, яхлит шахсни шакллантириш жараёнини ўрганади. Келинг, “бу ҳақиқатдан ҳам шундайми, ёки йўқми?”, - деган саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

Ушбу хулосадан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш мумкинки, Эльконин ва Давыдов назариясига асосланган **ривожлантирувчи таълим** тизимини амалга оширган таълим амалиёти тўлиқ анъанавий дидактик восита, метод ва технологиялар билан иш кўрган. Аммо психологик-педагогик фан ва таълим амалиёти яхши билишадики, бу ундай эмас. Айтиб ўтилган тизим асосида иш олиб борган барча мактаблар **алоҳида** ўқув методик мажмуалар билан таъминланган ҳамда барча ўқитувчилар **алоҳида** қайта тайёрловдан ўтганлар.

Классик дидактика янгича таълим тизими — **ривожлантирувчи таълимни** амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмади.

Ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш жараёнида “40 йил мобайнида турли нашриётлардан юздан ортиқ номдаги китоблар (ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, ўқувчилар учун дарсликлар ва ш.к.) нашр эттирилганлиги Катта психологик луғатда келтирилади.¹⁶ Луғатда мактаб ўқувчилари учун янги дарсликлар чоп эттирган муаллифлар, янги тизимни амалиётга жорий этишда иштирок этган олимлар, ҳатто экспериментатор ўқитувчиларнинг ҳам номлари келтирилади.

Буларнинг барчасидан шундай хулоса қилиш мумкин: гап танланган жараёнда эмас, ўқитиш ва таълимни амалиётга жорий этиш учун биз танлаймиз, ҳамма гап **парадигмада**, биз танлаган жараён унинг устига қурилади.

Исталган таълим тизимининг дидактик парадигмаси, ҳозирги пайтда у анъанавий деб ҳисобланади, таълим технологияларида ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуаллаштирилган тамойилларини қўллайди, таълим жараёнининг чуқурлиги, жадаллаштирилганлиги, бойитилганлиги, интесивлигини назарда тутди. Дидактик парадигмани амалга ошириш жараёнида ўқитувчи ўзи ўқитадиган предметнинг билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва логикасини етказди. В.И.Пановнинг фикрича, дидактик парадигмадан ташқари яна **дидактик-психологик парадигма** ҳам мавжуд бўлиб, унинг доирасида “дидактик томондан белгиланган таълим ва ривожланиш мақсадини қўлга критиш учун психологик билимлар, ривожланиш методлари қўлланилади ва ўқишда қийналаётган ўқувчиларга психологик кўмак берилади”.

Психологик-дидактик парадигмада “ўқувчиларнинг билув ва шахсий ривожланиши хусусиятлари ва психологик тамойилларни қўллаш муҳим

¹⁶ Большой психологический словарь. / под ред. Б.Г. Мещерякова, В.П. Зинченко. - М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003.

аҳамият касб этади: ўқиш ва ривожланиш фаолияти, психик ривожланишнинг ёш давлари бирлиги, яқин ривожланиш зонасига йўналганлик, тафаккурнинг диалоглилиги ва ш.к.”.¹⁷

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкин: ривожлантирувчи таълим тизими тўғрисида гап кетганда, олти та зарурий саволларга эътибор қаратиш керак:

- **кимни ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **нима учун ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **нимага ўргатиш керак?**
- **қандай ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **қаерда ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **ким ўқитиши ва тарбиялаши керак?**

Шу тариқа биз ривожлантирувчи таълим тизимини қуриш ва лойиҳалашнинг **психодидактик алгоритмига** эга бўламиз.¹⁸

Бир қарашда саволлар тариқасида таклиф этилаётган бу алгоритм содда кўриниш мумкин. Аммо дидактиканинг логиқаси ҳам савол тариқсиди такдим этилади. Бундан ташқари, биз ривожлантирувчи таълим тизимини лойиҳалашнинг юқорида таклиф этилган алгоритмдан анча илгари тузилганини ҳам таҳлил қилиб чиққанмиз. Булар:

- **Таълимнинг мақсади ва моҳияти.**
 - **Таълим жараёнида ўқувчи ва унинг субъект сифатидаги ўрни.**
 - **Таълим жараёнини психо-дидактик таъминоти. Ўқув дарслиги психо-дидактик тизим сифатида.**
- **Ривожлантирувчи таълим муҳити ва янгича технологик ечимлар.**

¹⁷ Давыдов В.В., 1996; Зинченко В.П., 2002; Учителю об одаренных детях / под ред. В.П. Лебедевой, В.И. Панова. - М.: Молодая гвардия, 1997; Учителю о психологии / под ред. В.П. Лебедевой, В.И. Панова. - М.: Молодая гвардия, 1997; Фельдштейн Д.И., 1997, 2001; Эльконин Д.Б., 1989.

¹⁸ Панов В.И. Образовательные технологии в психодидактической парадигме развивающего образования. // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 10. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/47-10/219-panov>.

- “Ўқитувчи–Ўқувчи–Ўқув дарслиги” тарзидаги янги муносабатлар тизимида ўзаро ҳамкорликнинг турли шакллари.

- Таълим фаолиятида ўқитувчи ва унинг ўрни.

Энди яна таълим фаолиятида қўлланиладиган дидактик тамойиллар ваметодларга қайтамиз.

Таниқли педагоглар М.А. Данилов ва Б.П. Есиповлар¹⁹ томонидан асоий **дидактик тамойиллар** ишлаб чиқилган эди. Булар: таълимнинг илмийлиги; назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги; тизимлилик; таълим жараёнида онглилик ва фаоллик; синф жамоаси билан ишлаш шароитида ўқувчиларга индивидуал ёндашиш; ўзлаштирилган билимларнинг пухталиги. Бу тамойилларни тушунмайдиган ўқитувчи бўлмаса керак.

Дидактик методларни танлаш турли предметларни ўқитиш жараёнида таълимнинг белгиланган мақсад, вазифа ва тамойилларини амалга ошириш учун қандай ўқитиш керак, деган саволга жавоб топишга ёрдам беради. Турли хил таълим назариялари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчининг ўрни, мулоқот услуби, мақсад, вазифа, технологияларни турлича тушуниш асосида қурилади. Бунга мисол қилиб И.Гербартнинг авторитар дидактикасини; Ж.Дьюининг шахсга йўналтирилган дидактикасини; ўқув предметлари бўйича хусусий дидактикаларни; муаллифлик дидактикаси ва **психо-дидактикани** келтириш мумкин. Ва шуниси аҳамиятлики, **янги ахборот-коммуникацион технологияларга асоланган узлуксиз таълим дидактикаси** шаклланыпти. Уларда таълимнинг моҳияти, мақсади, мазмуни ва методлари **шахсий аҳамиятли, шахсий қимматли**.

Анъанавий дидактиканинг ривожланиш жараёнида **таълим методлари**ни тасниф этишнинг турлича кўринишлари вужудга келди. Булар:

- Таълимнинг муайян босқичида амалга ошириладиган дидактик мақсад ва вазифаларга кўра: билимларни ўзлаштириш, кўникма ва малакаларни

¹⁹ Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1957.

шакллантириш, билимларни қўллаш, ижодий фаолият, билим ва малакаларни текшириш ва мустаҳкамлаш;

- Зарур билимлар манбаига кўра ва билимларни идрок этиш характериға кўра – оғзаки, кўргазмали, амалий билимлар;
- Ўқувчиларнинг билиш фаолияти характери ва маълумот мазмунини ўзлаштиришға кўра: тушунтириш-иллюстрацияли (ахборотли-рецептив), репродуктив, муаммоли баён этиш, қисман изланувчан ёки эвристик ва тадқиқотчилик.

Ю.К. Бабанский таълим методларини фаолиятға яхлит ёндашув асосида, инсон фаолияти назариясидан келиб чиқиб тизимлаштиришни таклиф этади. Шунға кўра **методларни уч катта гуруҳға** кўра тасниф этишни кўрсатади:

1. Ўқув-билув фаолиятини ташкил этиш ва амалға ошириш методлари: оғзаки методлар, индуктив ва дедуктив, репродуктив ва муаммоли изланувчан, мустақил иш ва бевосита ўқитувчи раҳбарлигида ишлаш методлари.
2. Таълимнинг мотивлаштириш ва стимуллаштириш методлари: ўқишға бўлган қизиқишни мотивлаштириш ва стимуллаштириш, таълим жараёнида бурч ва масъулиятни мотивлаштириш ва стимуллаштириш.
3. Таълимда назорат ва ўз-ўзини назорат методлари; оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат; тажриба-амалий назорат ва ўз-ўзини назорат.²⁰

Ривожлантирувчи таълимни амалға ошириш жараёнидаги психо-дидактикада дидактик методлар қайта кўриб чиқилади ҳамда ёш имкониятлари ва эҳтиёжларға қараб қўлланилади. Унға алоҳида методлар – билиш фаолиятида ўқувчининг мустақиллигини шакллантиришға, унинг индивидуал қобилиятларини ўстиришға, аниқ қизиқишлари ва майлларини очишға, ўзини ижодий намоён этишға қаратилганлари қўшилади. Яна такрор таъкидлаймиз, ривожлантирувчи таълимнинг психо-педагогик асоси ривожланишнинг психологик қонуниятлари, шахс индивидуаллигининг психологик табиати, турли етакчи фаолият турларини ташкил этиш қонуниятлари устиға қурилади.

²⁰ Педагогика / под ред. Ю.К. Бабанского. – М., 1983.

Шу билан бирга, энг аввало, таълимнинг юқори босқичида узлуксиз таълим учун зарур бўлган технологик ечимлар ҳисобга олинади. Улар таълим фаолиятида ташаббусни ўқувчига беришни назарда тутаяди: ўқитиш индивидуал таълим траекториясига кўра, ҳаёт фаолиятининг индивидуал лойиҳалаштирилган тартибига кўра ташкил этилади ва бунда таълимнинг расмий ва норасмий шакллари ҳисобга олинади. Ўқувчининг онгли равишда таълим фаолияти ва ўз ривожланишининг субъектига айланиши таълим жараёнида мустақиллик ва мотивлашганлик даражасини оширади. Ўз-ўзини англашнинг ўсиб бориши ўқувчига турли манбалардаги ахборотлар билан мустақил ишлай олиш, уларнинг ҳаққонийлигини текшириш, олдига турган муаммони ечиш учун ахборотни билимга айлантиришга имкон беради. Ўз-ўзини англашнинг ўсиб бориши таълим жараёнида ўқувчи янгича мавқени эгаллай боради ва бунда ўқитувчининг анъанавий таълимдан фарқ қиладиган бошқача ролини талаб қиладди. “Ўқитувчи – ўқувчи – ўқув ахбороти” муносабатлари тизимида янгича ҳамкорликни талаб этади.²¹

Ўқув фаолияти назариясига (О.Розиқов, Б.Адилов, Г.Нажмиддинова) мос равишда инсоннинг барча ҳаётий қадриятлари, унинг шахсий сифатлари, психик янгиланишлари фаолият жараёнида шаклланади. Ҳар бир ўқувчини турли фаолият кўринишларига жалб этилиши ҳар бир ёш даври учун хос бўлган *етакчи фаолият типига* мос равишда амалга оширилиши керак. Ўқув фаолияти назариясига кўра мактабгача ёшдаги болалар учун **сюжетли-ролли ўйин** етакчи фаолият тури ҳисобланади, бунда бола турли ижтимоий ролларни ўзлаштиришга ўрганади (болалар “Она-бола”, “Доктор ва касал”, “Магазин” ўйинларини ўйнайди, мароқ билан эртак қаҳрамонларини ижро этиб беради ва ш.к.). Кичик мактаб ёши даврида етакчи фаолият тури **ўқиш фаолияти** бўлиб, уни эгаллаш тажрибаси мактабда муваффақиятли ўқишни таъминлайдиган психологик тузилмани шакллантиришга ёрдам беради. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, ўқув фаолияти ва сюжетли-ролли ўйинларнинг қўшиб олиб

²¹ Лебедева В.П. От воздействия к взаимодействию в системе отношений "учитель - ученик". // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 5. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/42-05/83-lebedeva>.

борилиши кичик мактаб ёшида ўқув фаолияти тажрибасини смарали эгаллаш имконини беради.²²

Ўсмирлик даврида фаолиятнинг етакчи тури бу ўқувчи шахсини шаклланишига қаратилган фаолият бўлиб, унинг турли хилдаги қизиқиш ва қобилиятларини стимуллаштиради, ўз-ўзини англашга ёрдам беради. Кўпинча бу фаолият турини **ижтимоий-коммуникатив** деб атайдилар. Бу ёшда лидерлик, ўз-ўзини ҳурсат қилиш, шахсий кадр-қиммат каби ўсмирларнинг ўз-ўзини баҳолай олиши учун зарур бўлган шахсий сифатлар шаклланади.

Юқори синф ўқувчисига етакчи фаолият тури – бу **касбий ўз-ўзини англашга** оид фаолият бўлиб ҳисобланади. У ўзининг қобилияти ва қизиқишларига кўпроқ мос бўлган касбни излаш билан банд. Бу типдаги етакчи фаолиятни **лойиҳавий-тадқиқотчилик фаолияти** деб аташ қабул қилинган бўлиб, у талабалаик даврида ҳам давом этади.²³

Бу ўринда бир фаолият туридан бошқасига ўтиш эмас, балки уларнинг ўзаро уйғунлиги, яъни ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига сингиши муҳим саналади. Бир етакчи фаолият туридан бошқасига ўтишда ўқувчининг билув. Ҳиссий ва шахсий **фаоллиги** муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўринда бола ўсиш жараёнининг барча босқичларидан ўтган **ўқув фаолияти** тўғрисида алоҳила тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ўқув фаолияти назариясининг муаллифлари шундай ёзадилар: “ўзининг етакчи хусусиятини йўқотиб бориб, **ўқув фаолияти** турли ўқув предметларини ўзлаштириш жараёнида назарий фикрлашнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этиб

²² Литвиненко С.В. Развитие познавательной активности детей дошкольного возраста. // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/41-04/208-litvinenko>; Лебедева В.П. От воздействия к взаимодействию в системе отношений "учитель - ученик". // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 5. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/42-05/83-lebedeva>; Мухина С.Е. Формирование познавательных компетентностей у младших школьников. // Журнал научно педагогической информации. 2011. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/65-04/204-muhina>; Виноградова Н.Ф. Не только учить, но и развивать. Проблемы реализации государственного стандарта начального общего образования. // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/41-04/80-vinogradova>; Самохина С.Л. Развитие познавательных способностей и навыков продуктивной познавательной деятельности учеников 1 класса на материале математики. // Журнал научно педагогической информации. 2011. № 2. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/64-02/202-samohina>.

²³ Лебедева В.П., Лукьянова З.В. Культурно-исторический дискурс в профильном развивающем образовании. // Журнал научно-педагогической информации. 2009. № 3. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2009/75-03/141-lebedevalukyanova>.

боради”.²⁴ Катта ёшда эса айнан **ўқув фаолияти** ўқувчиларни *касбий йўналтиришга* ёрдам беради. Бизни ёшга мос бўлган ўқув фаолиятигина эмас, балки унинг ички тузилмаси ҳам қизиқтирадики, унга асосланиб ўқитиш ва ўқишнинг психодидактик базаси курилади. Шу ўринда таълим жараёнидаги асосий ўқув хатти-ҳаракатлари таркибини санаб ўтамиз:

- ўқув топшириқларини мустақил белгилаш;
- ўқув топшириғи умумий ёки аниқ, типик ечимини топишда зарур бўлганда унинг шартини ўзгартириш;
- топшириқларни ечиш жараёнини моделлаштириш;
- тузилган моделни унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш учун қайта куриш;
- ечимлар тизимини куриш ва умумий ёндашув, ечиш усулларини қидириш;
- ечимга олиб боровчи хатти-ҳаракатларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- рефлексия, ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш, натижани *текишириш*.

Оммавий амалиёт ўқувчининг билув, рефлексив, шахсий-шакллантирувчи ва шахсий қимматли фаолиятни ташкил этишда шахсий тажрибанинг шаклланиш жараёни асосланган **психодидактик воситалар ва ривожлантирувчи таълим технологиялари танқислигини бошдан кечирмоқда**²⁵.

Ишга оид манбалар таҳлилидан шундай хулосага келиндикки, истиқбода, яқин келажакда **психодидактика** ривожлантирувчи таълим амалиётида янги **таълим стандартларини муваффақиятли амалга оширишга** ёрдам берадиган технологик жиҳатдан янги таълим тизимларини жорий этишни таъминлайди. Булар кенг ахборот-коммуникатив ва интерактив имкониятларга эга бўлган ва ўқувчиларнинг **шахсий, ижтимоий, билув, коммуникатив** ривожланишини таъминлайдиган инновацион таълим тизимлари бўлади.

²⁴ Большой психологический словарь. / под ред. Б.Г. Мещерякова, В.П. Зинченко. - М., 2003. С. 565.

²⁵ Учителю о развивающем образовании / под ред. В.Е. Усанова. - М.: Институт научной информации и мониторинга, 2010.

II. ЎЗБЕКИСТОНДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ БОСҚИЧИДА РИВОЖЛАНГАН ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АМАЛИЙ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ

2.1. Япония бошланғич таълим босқичида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослар.

Япония таълимининг шаклланиши 1867—1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани: 1—бойиш, 2-Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилади.

1872 йили «Таълим ҳақида Қонун» қабул қилинди. Бунда япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилади. 1908 йил Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари шарт эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳозирги замон япон таълим тизимларининг таркиби қуйидагича: боғчалар, бошланғич мактаб,

кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртлари. Болалар ёш хусусиятларига қараб 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинади. Японияда мактабгача таълим муассасаларининг 59,9% хусусий, 40,8% муниципал, 0,3% давлатникидир.

Мажбурий таълим. Таълимнинг поғонаси 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларни ўз ичига олади. 6 йиллик бошланғич таълим ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб, 9 йиллик мажбурий таълимни ташкил этади ва у бепулдир, текин дарсликлар билан таъминланган. Мухтож оилаларнинг болалари бепул нонушта, ўқув қуроллари, тиббий хизмат билан таъминланади. Зарур бўлган тақдирда уларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилади. Шу қаторда хусусий мактаблар ҳам мавжуд.

Юқори босқич ўрта мактаб 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олади, бундай мактабларнинг кундўзги, сиртқи ва кечки бўлимлари мавжуд. Ўқувчиларнинг 95% кундўзги мактабларда ўқийдилар.

Японияда ўқув йили 240 кун (АҚШ 180). Ўқув йили 1 апрелдан бошланиб мартда тугайди. Ёзги татил июнь ойининг охирида бошланиб, августда тугайди. Дарслар 7 соатдан ўтилади.

Дорилфунунларга катта ўрта мактабни ёки 12 йиллик оддий мактабни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. У ерда 460 та университет бўлиб, 95 таси давлат тасарруфида, 34 таси муниципал, 331 таси хусусий, 1-тоифадаги университетларда ҳар бир ўқитувчига 8 нафар, 2-тоифали университетларда эса 20 тадан талаба тўғри келади. Университетларга қабул қилиш икки босқичга бўлинади: 1-босқичи турар жойда ўтказилади: бунинг учун япон, эски япон тили, математика, физика, кимё, жамиятшунослик, тарих бўйича тест синовларидан ўтадилар.

Бу синовлардан ўтган ўқувчилар университетларга йўлланма оладилар ва яна синовдан ўтадилар. Хусусий университетларга эса тўғридан-тўғри тест топширилади. Бир қатор хусусий университетлар ўзининг узлуксиз шахобчасига эса (боғчадан бошлаб ҳамма босқичларни қамраб олади). Университетдан талабаларни ҳайдаб юбориш мумкин эмас. Лекин ўқиш

муддатини чўзиш мумкин (4 йиллик ўқиш 5-6 йилгача чўзилиб кетиши мумкин).

Коллежлар:

1-кичик коллеж;

2-техник коллеж

3-махсус коллежларга бўлинади.

Уни битирган талабалар бакалавр дипломини олади ва университетнинг 3 ёки 4 курсларига қабул қилинади.

Японияда таълим – тарбияга ёндошувда “Оила фактори” билан бир вақтда педагогик технологияларга муносабат прагматизмга асосланган ўзига хос бир тартибдир. Бунда педагогик технологиялардаги ҳама мактаб фаолияти ёки ҳар қандай таълим муассасаси ва таълимнинг асосий звеноси бўлган таълим жараёнининг тарқоқ натижага йўналтирилган бошқарувчанлигидир.

Япон мутахасиси Т.Сакамотонинг фикрича, педагогик технология бу педагогикадаги фикрлашнинг тизимлаш усулини қўллаш бўлиб, буни бошқача қилиб айтсак, таълимни тизимлаштириш ёки “синф таълимини тизимлаштириш”дир.

Баъзида, педагогик иш тажрибасида педагогик технологияларни аллақачон ўзлаштирилган (маълум бўлган), ҳатто фойдали бўлган, аммо таълим методикаси технологик яратилмаган (тузилмаган) деб тушинишади. Лекин педагогик технология ўзига хос инновацион ёндашувдир.

Японияда миллий мафкура тарбияси ҳам ўзига хосдир. Шарқнинг энг илғор мамлакатларидан бири Японияда фуқарони, ёшларни тарбиялашнинг энг самарали ва таъсирчан усулидан фойдаланилади. Бундай тарбиянинг асосий маскани сифатида мактаб танланган. Чунки мактабда бола билим олишдан ташқари шахс сифатида ҳам шаклланади.

Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия» тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими қуйидагича номланади: 1) «характерни шакллантиришга йўналтирилган

таълим»; 2) «давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият»; 3) «фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш».

Аслида, бу тизим миллатни тарбиялаш тизими вазифасини ўтайди. Ундан кудратли ғоявий таъсир воситаси сифатида ҳам фойдаланилади. Кўпчилик олимларнинг фикрича, айнан «ахлоқий тарбия» тизими Япония мамлакати иқтисодий равнақининг ғоявий асосини ташкил этади. Чунки бу тизим ишлаб чиқаришда маънавий салоҳиятдан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Шу боисдан ҳам инглиз файласуфи Томас Гоббс (1588-1679) «Давлатнинг қандайлиги ҳақида хулоса чиқариш учун аввало одамларнинг ахлоқи, қизиқишлари ва феъл-атворини ўрганиш жоиздир» деган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан хароба бўлиб чиққан Япония мамлакатининг 30-40 йилда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринга чиқиб олгани кўпчиликнинг ҳайратини уйғотади. «Кичик бир оролнинг бундай қисқа вақтда ҳунармандчилик устахоналаридан автоматлашган саноатгача бўлган йўлни босиб ўтганлигини қандай тушунтириш мумкин?». Мазкур саволга японлар қуйидагича жавоб берадилар: «Салоҳият инсонларда яширин».

Япония менежментининг олтин қондасига кўра, инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Япон кишисида қуйидаги қадрият ва сифатлар қарор топтиради: меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий ҳарактерига хос хусусиятлар саналади. Бироқ, давлат бу билан қаноатланмай, ўз фуқароларида ушбу сифатларни мустаҳкамлаш ва кучайтириш вазифасини маорифга юклайди. Натижада, мактабларда гуруҳий бирдамликни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда коллективнинг ютуғи ҳам, мағлубияти ҳам гуруҳнинг ҳар бир аъзосига боғлиқ эканлиги ҳақидаги ғоя сингдирилади, ўз ролини аниқ билиш ва шунга яраша масъулиятни ҳис қилиш талаб этилади. Бундай тарбия кўрган фуқаро жамоа муаммоларини ўзининг шахсий муаммолари сифатида қабул қилади. Олимларнинг фикрича, айнан шундай гуруҳий бирдамлик (япончада «айдагарасюги») туфайли мамлакат мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларга эришди.

Меҳнат япон кишиси учун ахлоқий қадрият саналади. Унинг қадрият даражасига кўтарилишида «ахлоқий тарбия» тизимининг роли бекиёс. Гап шундаки, япон кишисига мактабдаёқ қуйидаги ғоялар сингдирилади: 1) «Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятга эришиш мумкин», 2) «Ўз устингда тинимсиз ишла, шунда бировдан кам бўлмайсан». Бу каби ғоялар таъсирида улғайган япон кишиси ўзининг барча ҳаракатларини қуйидаги мантиққа бўйсундиради: «Бор имкониятларингни ишга сол!»

Шундай қилиб, давлат ўз фуқароларида тиришқоқлик ва ҳафсала, кунт ва ғайратни мақсадли равишда қарор топтиради. Интизомдан жамият манфаатларида фойдаланиш борасида эса японлар бошқаларга ўрнак бўла олади.

«Ахлоқий тарбия» натижасида Японияда фуқаролар меҳнат интизомининг бўзилишини шунчаки салбий иллат деб ҳисобламай, балки уни Ватанга хиёнат деб қабул қиладилар. Японияда фуқаро тарбияси замон эҳтиёжлари ва жамият манфаатларига мослаштириб борилади. Айнан шу туфайли япон фуқаролари жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи қудратли куч деб биладилар. Кўриниб турибдики, миллат келажагини ўйлайдиган ҳеч бир давлат фуқаро тарбияси масаласини эътиборсиз қолдира олмайди.

Япония таълим-тарбия тизимининг психодидактик асослари буйича дастлабки хулосавий фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин бўлади:

- миллий анъаналаридан (катталарга ҳурмат, кичикларга иззат; жуда нозик истиҳола, вазмин руҳий барқарорлик, ширин сўз билан ўз мақсадига катъий интилиш, чиройли ниқобланганган ўткир мулоҳазалар билан иш юритиш ва.х.к.з) келиб чиқилган ҳолда улардаги таълим-тарбия масалаларида оила омили ҳали ҳам устивор эканлигини кузатиш мумкин бўлади;
- улардаги таълим-тарбия буйича талаблари қаттиқлигининг айрим тарихий жиҳатлари (самурайларнинг «Бусидо» кодексидан келиб чиқадиган аччиқ бўлсада тўғри гапириш, кийинчиликларга сабр қилиш, доимий изланишда бўлиш ва.х.к.з.) ҳали ҳам давом этаётганлиги кузатилади;

- япон таълим-тарбия тизимида анъанавий асосларнинг замонамизнинг илғор технологиялари билан уйғунлашиб кетганлигини қайт этиш мумкин бўладики, бу айниқса информацион – коммуникация техник воситаларининг нафақат кенг қўлланилиши, балки уларнинг янгидан-янги турлари яратилишида яққол кўзга ташланади;
- таълим-тарбия соҳадасининг йирик концернлар эҳтиёжларидан келиб чикиб унинг тарқоқ натижага йўналтирилган «тор ижод майдончасида» корпоратив тус олаётганлигини (масалан «Тойота» автоконцернининг ўз таълим тизими тайёргарлигидаги бош шиори «АҚШ нинг бир машинасида бешта камчилик бўлса, Тойотанинг бешта машинасида битта камчилик бўлиши керак»,- деган талаб диққатни ўзига тортадиган ҳолдир) қайт этиш мумкин бўлади;
- жуда юқори моддий-техника базасига эга япон таълим-тарбия тизимида ўқувчи ва ўқитувчи муносабатининг «устоз-шогирд» усулидан «тенг ҳамкорлик» усулига ўтиб бораётганлиги кузатилади ва бу ўқувчи таълим тизимининг бевосита ижод билан машғул фаол объектига айланишига олиб келади.

2.2. Жанубий Корея бошланғич таълимида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослар.

Кореянинг замонавий таълим тизими расман Япония мустамлакасида озод бўлган 1945 йилдан бошланган. Аммо кенгроқ қарайдиган бўлсак, корейсларда таълим тизими 1894 йилги ислохотлардан кейин юзага келган, дейиш мумкин. 1881 йили Кореядаги Чосон ҳукумати мамлакат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида махсус армия тузади ва ғарбликлар ҳарбий санъатдан дарс бера бошладилар.

Бу ўз навбатида чет тили ва бошқа фанлар таълимини юзага келишини таъминлади. Гарчи 1882 йили махсус кўшин учун дарслар тўхтаб қолган бўлса-да, бир қанча амалий фанлар дарси давом этаверди. Бу даврда аста-секинлик билан Гвангхевон, Бежехакдан, Ихвахакдан каби шахсий таълим муассасалари

ҳам вужудга кела бошлади ва кейинчалик университетлар учун асос бўлиб хизмат қилди.

1894- йили шахсий билим масканлари бирлаштирилиб, мамлакат таълим тизимини бошқарувчи институт ташкил этилди. Шу билан бирга 1895 йилдан бошланғич мактаблар ва мактаб учун кадрлар тайёрлайдиган педагогика мактаблари тузилди. Бундан ташқари бир қанча хусусий мактаблар очилиб, 1900- йилда улар фаолиятини тартибга солиб турадиган "Хусусий мактаблар тўғрисидаги қонун" қабул қилинди. 1910- йили Корея ва Япония ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Корея Япониянинг расман мустамлакасига айлантирилди. Натижада бу мамлакат таълим тизимига ҳам катта таъсир кўрсатди. Япон мустамлакачилари Кореянинг таълим тизимини кескин ўгартириш йўлидан борди ва хусусий мактаблар фаолияти чеклаб қўйилди. Бу даврда 1911 йил 23 августда қабул қилинган "1-Чосон таълим буйруғи" амал қилди.

Унга кўра, корейс ва япон фуқароларининг фарқли таълим сиёсати олиб борилди. Яъни, маҳаллий халқ фақат 4 йил мобайнида бошланғич таълим олар, ўрта ва олий таълим берилмас эди. Бу япон мустамлакачилигининг узоқ ўйланган режалари қаторига кирарди. Аммо 1919 йили бошланган норозилик ҳаракатлари оқибатида Япония ҳукумати бироз ён беришга мажбур бўлди ва буйруққа ўзгартириш киритиб, бошланғич таълим 4 йилдан 6 йилга ўзайтирилди. 1922 йил 4 февралда "2-Чосон таълим буйруғи" қабул қилинди. Бу буйруққа кўра, таълим муддатлари ўзайтирилди. Яъни, оддий мактабларда таълим 6 йил, аёллар мактабларида эса 5 йил этиб белгиланди. Шунингдек, аста-секинлик билан университетлар ҳам пайдо бўла бошлади. Жумладан, 1924 йили Кёнгсон Давлат Университети очилди. Хитой-Япония уруши бошланиши муносабати билан мустамлака Кореяда назорат янада кучайтирилди.

Оддий мактаблар ва бошланғич мактаблар, юқори ва ўрта мактаблар бирлаштирилди. Корейс тили фанлари камайтирилиб, империя халқ демократияси фани киритилди. 1943 йил 3 августда "4-Чосон таълим буйруғи" имзоланди ва япон мустамлакачилигининг таълим соҳасидаги зўравонлиги

кучайди. Жумладан, ўрта ва юқори макатбаларда таълим 4 йилгача камайтирилиб, корейс тили фани дастурдан олиб ташланди. Унинг ўрнига япон тили дарслари киритилди. Корейни ёппасига саводсизга айлантириш сиёсати натижаси ўлароқ, 1944 йилги Корея Умумий Архив қўмитаси маълумотларига қараганда ўша пайтда Корейнинг саводхонлик даражаси бор-йўғи 13,8%ни ташкил этган. 1945 йили Иккинчи Жаҳон уруши билан бирга Кореядаги Япония мустамлакачилиги ҳам тугади.

Эндиликда Кореяда табиийки бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ўзгартириш вазифаси турарди. Энг аввало "Таълимни ривожлантириш қўмитаси" ташкил этилди ва қўмита олдида дарсликлар яратиш мажбурияти қўйилди. Таълим тизими тадқиқ этилиши давом эттирилиб, ахлоқ, этика, техникага оид фанлар киритилди. 1963 йиллардан бошлаб эса таълим тизимида табиий ва ижтимоий фанларга эътибор кучайди. 1981 йили Президент Чон Ду Хван мамлакатда шахсий таълим бериш ва хусусий таълим масканлари фаолиятини қонунан таъқиқлаб қўйди. Лекин мактабда мустақил шуғулланиш учун имкониятлар яратиб берди. 1992 йилга келиб эса бошланғич мактаблар фаолияти янада ривожланиши учун ҳукумат томонидан бир қанча имтиёзлар яратилди.

Замонавий Корея таълим тизимида бошланғич мактабларнинг роли муҳим. Кореяда бошланғич таълим учун ўқув йилида 1 мартга қадар 6 ёшдан юқори бўлган болалар қабул қилинади. Лекин 5 ёшли болалар ҳам ўқишга киришга ҳуқуқли бўлиб, бунинг учун мактаб масъул шахсининг рухсатномасини олиши лозим бўлади. Ўқув йили эса 1 март Корея республикасида давлат байрами муносабати билан 2 мартдан бошланади. 6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда 1 йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Бошланғич таълимдан кейинги "зинапоя" вазифасини ўрта таълим бажаради. Ўрта таълим Корея республикасида 3 йил давом этади. Ўрта таълим ҳам мажбурий бўлиб, бир ўқув йили 1 мартдан кейинги йил март ойига қадар давом этади. Дарслар 45 дақиқадан этиб белгиланган бўлиб, бир йилда 1222 соатни ташкил этади. Ўрта таълим

мактабларида давлат тили, ахлоқ, ижтимоий фан, математика, жисмоний тарбия, мусиқа, санъат, чет тили каби 10 га яқин фанлар ўқитилади. Шунингдек, ўрта мактабда ўқувчи учун танлов фанлар мавжуд. Булар қаторига ахборот, чет тили (кўпинча немис, франсўз, испан, хитой, япон, рус, араб тиллари) кабиларни киритиш мумкин. Ўрта мактаб тугатилгач юқори мактабларда таълим давом эттирилади. Юқори мактаблар бир неча турларга бўлинади: давлат юқори мактаблари (Корея Таълим ва Техника фанлари вазирлиги, Маданият, Жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради), умумий юқори мактаблар (ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади), хусусий юқори мактаблар. Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади: умумий мактаблар, ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот), махсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб), техника мактаблари, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари. Корея Республикасида Таълим вазирлиги махсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, ҳалқаро тилларга ихтисослашган бўлади.

Жанубий Кореяда таълим ҳақидаги Қонун 1948 йилда қабул қилинган. Таълим тизимига асос қилиб анъанавий ғарб модели олинган: 6 йил — қуйи мактаб, 3 йил — ўрта, яна 3 йил — олий мактаб; сўнгра тўрт йиллик коллеж ва бакалавр унвони берилади; танланган фан яна 2 йил чуқур ўрганилгандан сўнг магистр унвонини олиш мумкин. Фан доктори бўлиш учун яна 3 йил вақт сарфлаш лозим.

Мамлакатда олий ўқув юртлирининг ишлари яхши йўлга қўйилган. Кореяда 104 та олий ўқув юрти бор, уларнинг 80 фоизи хусусийдир. Ҳозир мамлакатда олий ўқув юртлирида ўқишга қизиқиш жуда кучайиб кетган. Ҳар йили мактабларни битирувчиларнинг 40 фоизи ўқишга киради. Талабалар сони бўйича Корея дунёда биринчи ўринда туради. Лекин мактабгача таълим муассасалари ишида муаммолар бор. Талаб эҳтиёжни қондира олмаяпти. Шунинг учун 1982 йилда мактабгача тарбия ҳақида қонун қабул қилинди. Бу

ерда тарбияга болалар боғчасида асос солинишини яхши тушунишади. Шу туфайли бу тармоқ кейинги йилларда 60 фоизга кенгайди. Бунда диний ташкилотларнинг ҳиссаси каттадир.

Бошланғич мактаб масаласига келганда (бу мактабга олти ёшлилар келишади) синфларнинг тиғизлигини кузатиш мумкин. Ҳар синфда 50 нафаргача бола ўқийди. Дарс юкламалари ҳам кўпроқ. Лекин ўйинлар дам олиш ўқув дастурига киритилган. Шунинг учун дам олишга имконият бор.

Бошланғич мактабда дарс 40 минут давом этади. Ўрта мактабда эса дарслар 45 минут.

Олий мактабда дарснинг давомийлиги 50 минутга тенг. Бу ерда икки муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. Олий мактабга, албатта, кириш имтиҳонлари топшириб кирилади, ўқишлар пуллик.

Бошланғич мактабда 9 та фан ўқитилади. Корейс тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилади. Бундан ташқари арифметика, айрим ижтимоий фанлар ҳам ўқитилади.

Ўрта мактабда фанлар яна 4 тага кўпайтирилган. 7-синфдан бошлаб чет тиллар ўргатилади. Мамлакатда инглиз тилига эътибор кучли. Кўпчилик бу тилда бемалол гаплаша олади. Чет тилларни ўқитишга ҳафтасига 4—5 соат ажратилган. Корейслар яна бир тилни — классик хитой тилини мажбурий равишда ўрганадилар. 8-синфдан бошлаб Хитой тарихи ўрганилади.

Ҳунар мактаблари Корейда 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45 фоизи бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23 фоизда техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалик ихтисослари ўзлаштирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларга корхоналар оталик қиладилар. Таълим ҳақидаги қонун талабларидан бири шудир.

Корейда ҳам алоҳида иқтидорли болаларга эътибор кучли. Сўнгги йилларда 5 та спорт, 6 та илмий мактаб очилган. Жисмоний тарбиянинг ривожланишига Сеул олимпиадаси катта таъсир кўрсатган.

Кореяда ногиронларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳар қадамда кузатиш мумкин. Айтайлик, бу ерда аравачалар ёрдамида ҳаракатланувчилар учун ер ости лифтлари мавжуд, махсус жиҳозланган паст қилиб қурилган телефон-автоматлардан ногиронлар бемалол фойдаланадилар, ривожланишдан орқада қолган болалар учун махсус мактаблар мавжуд. Бу мактабларнинг аксарияти хусусий ёки диний ташкилотларнинг хайрия маблағлари ҳисобига қурилган. Давлат мактабларида дин ўқитилмайди. Лекин 3-синфдан бошлаб «Одобнома» каби махсус фан жорий этилади. Бу фан 12-синфгача ўқитилиб, ҳафтасига 2 соат вақт ажратилган.

Бу фан ўз ичига динни ҳам қабул қилади. У қотиб қолган бир нарса сифатида эмас, қадрият сифатида ўқитилади. Бу бутун тарбия тизими натижасидир. Эҳромларга бориш, тарихий ёдгорликлар билан танишиш, маънавий тарихни ўрганиш мактаб фанининг мажбурий давоми ҳисобланади.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5 фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синфлар ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак. Фан ўқитувчиси бирмунча кўпроқ ўқийди.

Кореяда ўқитувчининг иш ҳақи 700 долларга тенг. Агар бунга педагогика олий ўқув юртларига ўқишга киришдаги юқори танловни ҳам қўшадиган бўлсак, бу мамлакатда ўқитувчи касбининг эъзозланиши сабаблари аёндир.

Жанубий Кореяда таълимнинг обрўси нақадар катталагини қуйидаги мисолдан ҳам кўрсак бўлади:

Солиқлар тизимида таълимий солиқ жорий қилинган: ишлаб чиқарувчилар фойданинг маълум фоизини маорифга юборадилар. Давлат бюджетининг 24 фоизи таълимга сарфланади. Мамлакат президенти (у халқ таълими Давлат кенгашини бошқаради) шахсан провинциялар таълим бошқармалари (биздаги халқ таълими бошқармалари каби) бошлиқларини

тайинлайди. Бу ҳам ушбу мамлакатда маорифга қанчалар зўр аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

Жанубий Корея илғор педагогик технологиялари психо-дидактик асослари ҳам Япония педагогик тизимидаги каби ўзига хос хусусиятларга эгадир:

- Жанубий Корея таълим – тарбия тизимидаги асосий устивор жиҳат бу бизнинг ҳалқимизга хос бўлган болажонлик ва унинг тарбиясига нисбатан ўта жиддий ёндошиш, яъни «бола азиз, тарбияси эса ундан азиз» тамойили буйича ёндошувидир;

- Жанубий Корея умумкорейс яхлит маданиятининг ажралмас бир қисми бўлиб, у корейс маънавий – маърифат менталитетида албатта миллий тамаддун тўлақонлилигини тақозо этади;

- Жанубий Корея таълим – тарбия тизимида хитой, япон, манжур, муғул жиҳатларининг тарихий қўшилиб кетиши натижасида ўзига хос бир мултимаданият тизими юзага келганки, у барча даврларда бир хил яшовчанлик иммунитетини ҳосил қилган;

- Жанубий Корея таълим – тарбия анъаналарида давлат таъсирининг ҳал қилувчи кучга эга эканлиги ҳар қандай янги технология буйича ишларнинг давлат кузатиш доирасида кўплаб кувватланишида ўз аксини топади;

- Жанубий Корея таълим тизимида авлодлар алмашинуви натижасида янги технологияларнинг янада турлича кўриниш олиши жараёни унинг илғор динамик характеридан далолат беради;

- Жанубий Корея илмий – тадқиқот соҳасида (айникса САМСУНГ ва ДАЙВО компаниялари фаолиятида) ривожланган давлатлар АКШ ва Японияда бўлганидек «Силикон», «Кремен» водийлари каби марказларнинг вужудга келганлиги ҳозирда бу ердаги таълим – тарбия тизимида жуда катта самарали таъсир кўрсатмоқда.

2.3. Хитой бошланғич таълимида илғор педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари.

Хитойда таълим тизими милоддан аввалги X-XI асрларда Даоизм, Конфуцийчилик ва Буддавийлик динлари таъсири остида юзага кела бошлаган. Унга оид айрим маълумотлар тарқоқ ҳолда бўлсада Қадимги Хитой қонунчилигига оид тупламларда учрайди. Хитой таълим тизими қадимги ва бой тажриба анъналарга эга тизимдир. Бу ерда таълим тизимининг шаклланиши бевосита давлат маъмурий – бошқарув тизимининг қурулиши билан боғлиқдир. Қадимда Хитой императорининг асосий учта маслахатчилари (учта гунн) «буюк мураббий», «буюк устоз» ва «буюк хомий» деб аталгандир. Улар давлатда таълим – тарбия меёрлари (ли) ни назорат қилиб борганлар. Бунда «ёшларнинг катталарга буйсуниши» госяси (сяо) асосий ўрин эгаллаган. . Кейинчалик, яъни ўрта асрларда бу соҳадага оид маълумотлар«Чжао хонадонидаги етим» (Хаср) «Аслзода ўспириннинг хатоси»(XIII аср) каби машҳур асарларда учраб туради. Хитойнинг XIX аср охиридан XX асрнинг 60 йилларигача бўлган давр маънавий ва маърифий ҳаётига оид маълумотлар эса Ван Меннинг машҳур «Метаморфозалар» асарида учрайди. Хитойда Мао Цзе Дуннинг «Маданий инқилоби» натижасида юзага келган таълим тизимининг «кора даври» (1966 – 1976 йиллар)да бу ерда маънавий – маърифий соҳаларда оғир оқибатли ҳолатларга олиб келди. 1980 – 1990 йиллар давомида Хитойда амалга оширилган ижтимоий – иқтисодий ислохотлар натижасида таълим – тарбия соҳасида янги замонавий тизим шакллантирилди. Ҳозирги Хитой таълим – тарбия тизими бир канча ўзига хос жиҳатларга эга илғор миллий тизимлардан ҳисобланади.

Хитойда болалар бошланғич мактабга 6-7ёшдан бориб, бу ерда 5-6 йил дастлабки таълим оладилар, мамлакат болаларининг (бошланғич мактаб ёшидаги) 95% бошланғич мактабларга борадилар. Бошланғич синфларда болаларга хитой тили, география, тарих, математика, мўзика, табиатшунослик тасвирий санъат жисмоний тарбия ва сиёсий таълим ўргатилади .

Бошланғич мактабни тамомлагач, болалар ўрта мактабга боришлари мумкин. Қуйи ўрта мактабда таълим 3 йил, юқори ўрта мактабда эса 2 ёки 3 йил

давом этади. Ўрта мактабда бошланғич синфлардаги кўпчилик фанлар яъни биология, кимё, физика, ҳуқуқшунослик инглиз ва бошқа хорижий тиллар ўқитилади. Профессional ва техник ўрта мактабларда эса қишлоқ хўжалиги асослари, индустриал технология ва бошқа ихтисосликка оид фанлар ўқитилади. Хитойлик болаларнинг 2/3 қисми ўрта мактабда таълим ола бошлайди, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўқишни якунига етказмайди.

Олий ўқув юртларига кириш учун ёшлар махсус имтиҳонлардан ўтишлари керак. Имтиҳонлардан ўтган ёшлар талабалар қаторига қабул қилинади. Университетларда ўқитиладиган асосий фанлар: иқтисод, хорижий тиллар, математика, тиббий ва гуманитар фанлар имтиҳонлардан ўтган ёшларнинг бир қисми техник коллежларда қабул қилинади. Ҳар бир коллеж ўз ихтисослигига эга бўлиб, қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги, тиббиёт, тоғ-кон ёки ўқитувчилик йўналишларда мутахасис тайёрлайди. Кўпчилик мактаблар тегишли соҳа вазирлиги (масалан, тиббиёт йўналишидаги техник коллежлар тиббиёт вазирлиги) томонидан бошқарилади.

Хитойда жами 1000 га яқин олий таълим муассасалари мавжуд. (университет ва коллежлар). Улардан 1, 700 000 (1 миллион 700 минг) талаба таҳсил олмоқда. Олий таълим олишни истаган ёшлар сони тобора ортиб бормоқда. Аммо факультетлар ва имкониятлар етишмаслиги боис ёшларнинг оз қисмигина олий таълим жараёнига жалб этилмоқда. Кириш имтиҳонларидан ўта олмаган ёшлар «ишчи университетлар» деб аталмиш қисқа муддатли курсларда таълим олишлари мумкин. Ўрта мактабни ташлаб кетган ёшлар эркин вақт ўргатиладиган махсус мактабларда ёки телевизион курслар орқали таълим олишни давом эттиришлари мумкин.

Хитойда ҳозирда 2020- йилгача мулжалланган таълим тизими ислохотлари амалга оширилмоқда. Унинг бош мақсади таълим – тарбия соҳасида бутунлай янги ўзгача бир замонавий илғор асосли самарали тизимни яратишдан иборатдир.

Ҳозирги Хитой таълим – тарбия тизимининг замини ҳисобланган психо – дидактик асослар эса қуйдаги жиҳатларда намоён бўлади:

Хитой таълим – тарбия тизимида хос бўлган хусусиятлар қуйдаги жиҳатларда кузатилади:

- миллат менталитетида таълим – тарбия ва шу соҳадада меҳнат қилаётганларга нисбатан чуқур ҳурмат – эҳтиром муносабатининг узоқ асрлар давомида кенг кўламда сақланиб келаётганлиги;

- анъана сифатида давом этиб келаётган ва катъий назорат маҳоратли буюк устозлар ҳурмати олдидаги таъзим ёшларнинг таълим – тарбия талабларига чин дилдан ихлос билан буйсуниш ва уни тўла – тўқис бажаришга ҳаракат қилишида кузатилади;

- янги замонавий педагогик технологияларнинг кенг кўламда қабул қилиниши ва уларни тезкор тарзда бевосита амалиётга жорий этиш жараёнининг кучли тарзда бораётганлиги;

- кенг ҳалқ оммаси орасида илм олишга интилишнинг кучлилиги мавжуд таълим муассасаларининг жамиятда юзага келаётган эҳтиёжларни қондиришга ожизлик қилиб қолаётганлигида кўзга ташланади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНГАН ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШГА ОИД ТАЖРИБА-СИНОВ ИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Ривожланган Осиё давлатлари илғор педагогик технологияларини бошланғич таълим жараёнига қўллаш шарт-шароитлари

Олдинги боб ва фаслларда таъкидланганидек, ривожланган Осиё мамлакатларида амал қиладиган таълим тизимининг ўзига хослиги шундан иборатки, унда ўқувчиларнинг ахлоқий, меҳнат тарбияси ҳамда уларда ўзаро ҳамкорлик кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Масалан, Япония таълим тизимида япон халқининг менталитети, бир неча асрлардан буён амал қилиб келаётган миллий урф-одат ва анъналари ўз аксини топганки, бундан хусусиятлар Европа таълим тизимида кузатилмайди.

Меҳнатсеварлик. Аввало, японларнинг меҳнатсеварликка бўлган эътиборини алоҳида таъкидлаш жоиз бўлади. Японияда, Европа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, меҳнатсеварлик таълим-тарбия жараёнида асосий ўринни эгаллайди. Бу фазилат ҳатто ақллилик, ихтирочилик, турли вазиятларда йўл топа олиш ва бошқа инсон учун фойдали бўлган хусусиятлардан ҳам юқори қўйилади. Умуман олганда, улар ҳақ, чунки меҳнатсеварлик бўлмаса тараққиёт ҳам бўлмайди. Аммо японча

меҳнатсеварлик шахсни ривожлантиришга эмас, балки берилган шаблон, намунани аниқ бажаришга қаратилган. Ишни имкон қадар тез ва сифатли бажариш – бу ўртача статистик япон ишчиси учун ҳаётий зарур бўлган хусусият саналади. Жуда кўп японияликлар ишда кечгача қолиб кетишади. Кўпинча хизматчилик тақозоси билан япон оилалари йилида бир неча бор бир жойдан бошқа жойга кўчишга мажбур бўлишади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Японияда бошлиқ ёки раҳбарга нисбатан ўз фикрини эркин баён этиш ва у билан баҳслашишни ҳеч қачон маъқуллашмайди. Ўрта асрлардан буён бу мамлакатда катталар ва юқори даражадаги кишиларга нисбатан эҳтиром ва ҳурмат кўрсатиш урф бўлиб қолган. Ишчи ва ходимлар ўз раҳбарига сўзсиз бўйинсуниши ва унинг талабларини бекамикўст, сифатли ва ўз вақтида бажариши лозим. Бу яхши ишчининг алоҳида фазилати саналади.

Японияда таълимга нисбатан ўта назокат билан ёндашилади. Бизнинг мамлакатимиздан фарқли ўлароқ олий таълим Японияда алоҳида кишиларга тақдир қилиши мумкин. Айниқса, тиббиёт ва ахборот технологиялари соҳаларида. Таълим учун тўлов жуда баланд, ота-оналар эса болаларининг олий таълимда ўқишини камдан-кам ҳолларда тўлайдилар. Шунинг учун ҳам мактабни тугатгандан сўнг японияликлар дарҳол ўзларига даромад келтирадиган бирор иш ёки асосий¹ иш жойини топиб олишга ҳаракат қиладилар ва агар олий таълимда ўқишни давом эттирмоқчи бўлсалар ўз ўқишлари учун маблағни ўзлари ишлаб топадилар.

Боғча ёшиданоқ япон болаларини дунё зиддият ва рақобатда иборат эканлигига ўргатиб боришади. Бошланғич синфга қабул қилиш жараёнидаёқ болалар жуда мураккаб бўлган имтиҳонлардан ўтишлари керак бўлади. Шунга кўра аксарият бошланғич таълим босқичи пуллик бўлади. Мактаб қанчалик яхши ва истиқболли бўлса, тўлов ҳам шунча юқори ва кириш имтиҳонлари ҳам шунча мураккаб бўлади. Бошланғич синфда япон тилини ўрганишга (бошланғия синф ўқувчилари ўртача 1850 та иероглифларни ўрганиши лозим бўлади) ҳамда болани жамоага мослаштиришга асосий эътибори қаратилади.

Бошланғич ва ўрта таълим (7-9-синф) Японияда мажбурий саналади. Мактабни тугатгандан сўнг кўпгина битирувчилар ишга жойлашадилар ва юқори мактабларга бормайдилар. Имтиҳонлардан ўтиб, юқори мактабларга киришга муваффақ бўлган ёшлар (10-12 синф) яна 3 йил таҳсил олишлари керак бўлади. Юқори мактабни тугатган япониялик университет ёки коллежга ҳужжат топшириш ҳуқуқига эга бўлади.

Таълим жараёни. Барча юқори ва баъзи ўрта мактаблар пуллик бўлиб ҳисобланади. Аммо қиммат бўлишига қарамасдан кўпгина ота-оналар ўз болаларини хусусий мактабларда ўқитишга ҳаракат қиладилар. Чунки у ерда таълим сифатли ва бундан ташқари савия ва салоҳият японлар учун ҳаётий зарур фазилат бўлиб ҳисобланади. Пулли мактабларда таълим олаётган ўқувчилар иккинчи йил ўқишга қолиш улар учун фойдали эмаслиги жуда тез англаб олишади. Бундан ташқари ҳар ярим йилда ўқувчилар тест асосида мажбурий имтиҳонларни топширадилар ва ҳар бир предмет бўйича алоҳида балл йиғиб борадилар. Имтиҳон натижалари умумий доскага балларнинг камайиб бориши тартибида осиб қўйилади. Етарли балл тўплай олмаган ўқувчилар қайта топширишга қоладилар ва қўшимча машғулотларга қатнайдилар. Агар қайта имтиҳондан кейин ҳам ўқувчи керакли баллни тўплай олмаса у иккинчи йил ўқишга қолади.

Япон мактабларидаги таълим жараёни навбатдаги имтиҳонларга тайёргарлик кўриш шаклида ташкил этилади. Шунинг учун ҳам болалар тестда бўлиши мумкин бўлган материалларни ёд олишга ҳаракат қилишади. Билимларни ижодий ва эркин ўзalasштириш Японияда қатъиян таъқиқланади. Тез-тез имтиҳон қабул қилиниши муносабати билан қўшимча машғулотларга бўлган эҳтиёж ҳам ортиб боради. Аксарият ўқувчилар дарсдан кейин курс ва клуб машғулотларига қатнайдилар.

Ўқув йили мактаб ўқувчилари учун апрелда бошланади. Ўқиш уч та уч ойликка (уч чорак) бўлинади. Ҳар бир уч ойликдан кейин бир марта, яъни икки марта таътил берилади. Агар ўқувчи имтиҳонлардан қарздор бўлса, таътил

даврида қайта имтиҳонга тайёрланади. Ўқув ҳафтаси 6 кунлик бўлиб, дарсдан кейин болалар клубларда қўшимча машғулотларга қатнашадилар.

Япон мактаб клублари тўғрисида батафсилроқ маълумот бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Бизнинг мамлакатимиздагидан фарқли ўлароқ Япон клублари фаолияти давлат томонидан алоҳида рағбатлантириб борилади. Клубларнинг ўзи ё ўқувчилар (ариза берадилар ва қўшимча машғулот олиб борадиган ўқиувчини топадилар), ёки ўқитувчилар (бу кўпинча спорт секцияларига тегишли бўлади) томонидан ташкил этилади. Мактаб клубларининг йўналишлари хилма-хил бўлиб, қизиқишига кўра спорт, маданий ва бошқа хил бўлиши мумкин. Ҳар бир клубга мактаб бюджетидан алоҳида маблағ ажратилади. Маблағни тақсимлаш иши билан ўқувчилар томонидан сайланган талабалар кенгаши шуғулланади.

Ҳар йил кузда Япон мактабларида доимий равишда маданий фестиваллар ўтказилади. Бундай фестивалларни ўтказишдан мақсад – мактабга янги ўқувчиларни жалб этишдир. Ҳар бир синфга маълум миқдордаги маблағ ажратилиб, мактабдан ташқари турли ғояларни амалга ошириш учун имкон берилади. Масалан, театр постановкаси, кафелар ташкил этиш ва ҳ.к.зо. Ўқувчилар фестивалга пухта тайёргарлик кўришлари учун бир неча кун машғулотлардан озод қилинадилар. Одатда, фестиваллар 1 суткадан уч суткагача давом этиши мумкин ва бунда жуда кўп кишилар ташриф буюрадилар. Бундай фестиваллар, одатда мушакбозлик билан якунланади. Маданий фестиваллар билан бир қаторда ҳар бир мактаб спорт фестивалларини ҳам ташкил этади. Бундан фестивалларда синфлар бир-бири билан мусобақа қилади ва ғолиб бўлган синфлар тақдирланадилар.

Япон мактаблари ўзининг мактаб саёҳатлари билан ҳам қизиқарли бўлиб ҳисобланади. Ҳар бир ўзини ҳурмат қиладиган япон мактаби, ҳаволар исиши билан ўқувчилар учун тарихий жойларга саёҳат уюштиради. Бундай саёҳатлар уч кунгача давом этиши мумкин. Бунда ўқувчилар учун алоҳида транспорт ва меҳмонхоналардан жой ажратилади.

Японияда мактаб ҳаёти – бу жуда қизиқарли давр саналади. Бу ерда ҳар қандай турдаги меҳнатсеварлик рағбатлантирилади, жамоа иши ва жамоа орқали ривожлантириш учун қулай шароит яратилади, мактаб тадбирларига нисбатан стимул уйғотишга эътибор қаратилади. Бу ерда жамоа ҳисси ўқувчига сингдирилади, жамоавий лойиҳалар рағбатлантирилади. Япон мактабларида содир бўладиган ҳар қандай зиддиятларни ўқувчиларнинг ўзи ҳал қилади, ота-оналар жуда зарур бўлгандагина чақирилади.

Корея таълими ҳақида гап кетганда унинг рақобатбардошлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Швецариянинг халқаро менежментни ривожлантириш институти (IMD) ўзининг “2011 йил бўйича мамлакатларнинг рақобатбардошлиги ҳақида”ги маърузасида Кореяда таълимнинг рақобатбардошлиги 59 та мамлакат ичида 29-ўринда туришини таъкидлади. Осиёда Корея Республикаси Япония ва Хитойни ортда қолдириб, Сингапур, Тайланд, Гонконгдан кейин 4-ўринда туради. Ўқувчиларнинг ўқув муваффақиятлари бўйича Халқаро дастурга кўра охириги бир неча йил давомида Корея Республикаси 65 та мамлакат ичида 3 дан 6 гача бўлган ўринларни эгаллаган.

Рақамли ўқиш бўйича эса Корея 1-ўринни эгаллаган. Бу далилларнинг барчаси корейс таълимининг чет эл талабаларига хизмат кўрсата олиш даражадаги рақобатбардошлигини кўрсатади.

Халқаро электроалоқа уюшмаси томонидан эълон қилинган ИС-технологиялар тараққиёти бўйича 152 давлат орасида 1-ўринни эгаллаб турибди. ИТ-технологиялар билан бирга машинасозлик, кемасозлик, кимё ишлаб чиқариши ва автомобил ишлаб чиқариши бўйича Корея юқори даражада туради. Кореядаги энг тез ривожланишга асосланган технологиялар таълим олувчиларни келажакда муваффақиятли ривожланишига ёрдам беради.

Бундай тараққиётнинг замирида корейс халқининг минглаб йиллар давомида шаклланган маданияти, анъаналари ва урф-одатларига содиқлиги бўлиб, бу фазилат уларнинг қонида бугунги кунга қадар жўш уриб оқмоқдаки, бунга биз корейс сериаллари орқали гувоҳ бўламиз.

3.2. Ривожланган Осиё давлатлари илғор педагогик технологияларини бошланғич таълим жараёнига қўллашга оид тажриба синов ишлари самарадорлик даражалари

Педагогик эксперимент икки босқичда амалга оширилди: 2013-2014 ўқув йилида тасдиқловчи, 2014-2015 йилида таълимий ва синов эксперименти ўтказилди.

Тасдиқловчи экспериментнинг мақсади Ривожланган Осиё давлатлари таълим тизимида қўлланиладиган ривожлантирувчи таълим технологияси шароитида ўқув-билув фаолиятининг таълим жараёнида тутган мавқеини ўрганиш, таълим мазмунининг ўқувчиларнинг реал билиш имкониятлари, тараққиёт даражасига мослигини ўрганиш, таълимнинг ўқувчилар хотираси ёки тафаккурига мўлжаллаб ташкил қилинаётганлигини ойдинлаштириш ҳамда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлашдан иборат эди.

Бу мақсадни амалга ошириш учун ўрта мактаблар (Бухоро шаъридаги 23-сон, Бухоро туманидаги 38-сон, Вобкент туманидаги 14-мактаблари) танланди ва мазкур синфларнинг ҳар бирида турли ўқув предметлари бўйича дарслар кузатилди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилди, икки мартадан ёзма иш олинди.

Ёзма иш натижалари таҳлил қилиниб, таълим жараёнининг психодидактик йўналганлиги, яъни ўқувчиларнинг дарсдаги ташаббускорлиги, фикрини ўртоқлаша олиши, баён эта олиши, мустақил хулоса чиқара олиши каби хусусиятлари аниқланди. Натижа таълим жараёнида ўқувчининг субъектли мавқеи ва қадриятига, мустақиллиги ва изланувчанлигига етарли даражада эътибор берилмаётганлигини тасдиқлайди. Муаммони ўқувчиларни таълим жараёни субъектига айлантириш, уларнинг реал билиш имкониятлари, тараққиёт даражаси, тафаккурига мос, ўзлаштириш объектларига мос таълим тамойиллари, воситалари, усуллари, ташкилий шакллари тизимини асослаш каби қатор масалаларни ҳал қилиш ҳамда таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш асосида ечиш мумкин деган хулосага келиш учун асос бўлди.

Ёзма иш натижалари ўқувчилар фаолиятида қатор камчилик борлигини тасдиқлайди: 2-синфда ўрганилаётган объектга муносабат, матнни мантиқий қисмларга ажратиш, 3-синфда мақсадни мустақил белгилаш, фактлардан хулоса чиқариш, 4-синфда ўрганилаётган ҳодисаларга танқидий муносабат, берилганлар орасидан ўрганилмаган ҳодисаларни ажрата олмаслик кабилар бошланғич синф ўқувчилари ижодкорлигининг заиф томонлари саналади. Бу комил инсонни тарбиялашдек ижтимоий талаблар қўйилаётган ҳозирги кун учун етарли эмас, албатта. Шу боис бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий-амалий муаммоларини ўрганиш ҳамда ижодкорликни тарбиялаш тизимини шакллантириш зарурияти тузилди.

Дидактикада таълим жараёнининг турли жабҳаларини ёритишга оид самарали илмий тадқиқот ишлари ўтказилган бўлса-да, ҳалигача, умуман таълимни, бизнинг ҳолатда бошланғич таълимни психодидактик тамойилларга асосланган технологиялар орқали ижодий ташкил қилиш, ўқишни—ўқувчи фаолиятини таълим субъекти сифатида ажратиш, тадқиқ қилиш, ўқув ишларини бошланғич синф ўқувчиларининг реал билиш имкониятлари, мустақиллик даражаси ва тафаккурига мўлжаллаб ўтказиш масаласи алоҳида тадқиқот предмети сифатида ўрганилган эмас.

Ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш жараёнидаги психодидактикада дидактик методлар қайта кўриб чиқилди ҳамда ёш имкониятлари ва эҳтиёжларга қараб қўлланилди. Унга алоҳида методлар – билиш фаолиятида ўқувчининг мустақиллигини шакллантиришга, унинг индивидуал қобилиятларини ўстиришга, аниқ қизиқишлари ва майлларини очишга, ўзини ижодий намоён этишга қаратилганлари қўшилди. Тажриба-синов ишлари жараёнида ривожлантирувчи таълимнинг психо-педагогик асоси ривожланишнинг психологик қонуниятлари, шахс индивидуаллигининг психологик табиати, турли етакчи фаолият турларини ташкил этиш қонуниятлари устига қурилди.

Биз амал қилган психо-дидактик парадигмада “ўқувчиларнинг билув ва шахсий ривожланиши хусусиятлари ва психологик тамойилларни қўллаш

муҳим аҳамият касб этди: ўқиш ва ривожланиш фаолияти, психик ривожланишнинг ёш давлари бирлиги, яқин ривожланиш зонасига йўналганлик, тафаккурнинг диалоглилиги шулар жумласидандир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда биз қўлланган ривожлантирувчи таълим тизимида олтита зарурий саволларга эътибор қаратилди:

- **кимни ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **нима учун ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **нимага ўргатиш керак?**
- **қандай ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **қаерда ўқитиш ва тарбиялаш керак?**
- **ким ўқитиши ва тарбиялаши керак?**

Шу тариқа биз ривожлантирувчи таълим тизимини қуриш ва лойиҳалашнинг **психодидактик алгоритмига** эга бўлдик.

Бир қарашда саволлар тариқасида таклиф этилаётган бу алгоритм содда кўриниш мумкин. Аммо дидактиканинг логиқаси ҳам савол тариқасида тақдим этилади.

Юқорида белгиланган саволлар асосида вазифаларни амалга ошириш учун изланиш тажрибасини ўтказдик. **Таълимий экспериметнинг** мақсади бошланғич синф ўқувчиларининг ижодкорлигини аниқлашдан иборат бўлди. Бу босқичда бошланғич синф ўқувчиларида ижодкорликни тарбиялашни қайси синфдан бошлаш керак, ўқув материалларини ўрганишга дахлдор ижодий ишлар қандай ташкил қилинади, болаларда ижодкорликни тарбиялаш воситалари тизими қандай аниқланади каби қатор саволларга жавоб изладик, адабиётлар билан танишиб, тадқиқот таркибини белгилаб, тадқиқот гипотезасини шакллантирдик. Шундай қилиб, изланишнинг илк босқичида мавзуга оид адабиётлар ўрганилди, муаммонинг тадқиқ қилинганлик даражаси аниқланди, бошланғич синфларда ижодкорликни тарбиялашга доир ишлар тизими белгиланиб, воситалар тизими ишлаб чиқилди, назорат ва тажриба синфлари ажратилди.

Тажриба синфларида биз ишлаб чиққан усулиётдан фойдаланган ҳолда, назорат синфи эса анъанавий усулиёт асосида ўқитилди. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, бу жараёнда биз ишлаб чиққан ижодий топшириқлар ва уларни бажартириш методикаси айнан қўлланилибгина қолмасдан, иш жараёнида кенгайтириб, бойитиб ҳам борилди.

Таълимий экспериментнинг мақсади изланиш тажрибаси натижалари асосида болаларнинг ўқув ишларини ташкил этиш ва ишлаб чиқилган методиканинг ўқувчиларда ижодкорликни тарбиялашга таъсири ҳақида ишончли маълумотлар тўплашдан иборат эди.

Бу экспериметда Бухоро шаърининг 23-сон, Бухоро туманининг 38-сон, Вобкенттуманининг 14-сон умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари иштирок этди.

Ишлаб чиқилган ривожлантирувчи таълим технологиясининг ўқувчиларда ижодкорликни ва ўқув компетенцияларини шакллантиришга таъсири назорат ва тажриба синфларидан олинган ёзма иш, тест синовини, оғзаки суҳбат натижаларига кўра баҳоланди.

Таклиф қилинган ривожлантирувчи таълим технологиясининг самарадорлигини аниқлаш учун назорат ишларининг натижалари ҳам миқдор, ҳам сифат кўрсаткичи бўйича таълил қилинди. Тажриба ва назорат синфлари ўқувчиларининг ўзлаштиришларини қиёслаш мақсадида экспериментал таълим натижалари икки марта текширилди. Назорат олдин ўқувчиларда индивидуум психикасининг ақлий, шахсий, ҳиссий, маънавий-ахлоқий, психосоматик соҳаларига оид тузилган билув топшириқлари, сўнгра ижодий тестлар воситасида ўтказилди.

Билув топшириқлари воситасида 2-, 3-, 4-синфларда ўқув йили охирида уч марта назорат иши ўтказилди.

Тажриба натижаларини қайта ишлашда математик—статистик усулдан фойдаландик (85).

Ўқитиш тажрибаси жараёнида олинган назорат ишларининг натижалари 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал.

Ўқитиш тажрибаси жараёнида олинган назорат ишлари натижалари

T/p	Назорат мазмуни	X _{таж}	X _{наз}	η
1	2-синф			
1	1-ёзма иш	4,1	3,9	1,05
2	2-ёзма иш	3,9	3,1	1,26
3	3-ёзма иш	4,4	3,6	1,22
4	4-ёзма иш	4,3	3,7	1,16
1	3-синф			
1	1-ёзма иш	4,7	3,3	1,42
2	2-ёзма иш	4,2	3,5	1,2
3	3-ёзма иш	3,6	2,8	1,29
4	4-ёзма иш	4,0	3,5	1,14
1	4-синф			
1	1-ёзма иш	4,2	3,8	1,11
2	2-ёзма иш	4,6	2,9	1,59
3	3-ёзма иш	4,4	3,7	1,19
4	4-ёзма иш	4,5	3,1	1,45


Ушбу натижаларни диаграмма шаклида тасвирласак 13-чизмадаги кўринишни олади.

а)





В)

б)



Г)



13-чизма. Тажриба ва назорат синфи натижалари қиёсининг диаграмма кўриниши. а) 2-синф учун; б) 3-синф учун; в) 4-синф учун; г) синфлар бўйича.

Диаграммага эътибор берилса, 2-синфда ўтказилган контрол ёзма иш натижасидан $X_t = 4,4$, $X_n = 3,6$, 3-синфда $X_t = 3,6$, $X_n = 2,8$, 4-синфда $X_t = 4,4$, $X_n = 3,7$ эканлигини кўрамиз. Бунинг сабаби ижодий ишларга етарлича вақт ажратмаслик, таълимнинг хотирага мўлжалланганлиги, ўқувчиларда ижодкорликни тарбиялаш ишларининг эпизодик характери кабилар билан изоъланади. Қисқа қилиб ўқувчиларда ижодкорликнинг қай даражада ривожланганлигини аниқлаш мақсадида ўтказилган тажриба натижаларини умумий ўлда қуйидагича ифодалаш мумкин:

2-жадвал

Ўқитиш тажрибаси натижалари

Синфлар	X_t	X_n	$\eta = X_t/X_n$
2-синф	4,18	3.58	1,17
3-синф	4,13	3,28	1,26
4-синф	4,43	3,38	1,31

Ишлаб чиқилган методиканинг самарадорлик мезони сифатида қуйидаги кўрсаткичлар танланди:

1) тажриба ва назорат синфларининг ўзлаштиришларини таққослаш мақсадида синфларда ўзлаштириш баъосининг ўрта арифметик қиймати $X = (\sum x_i m_j)/N$ дан. Бу ерда x_i - баъо қиймати бўлиб, 1,2,3,4,5 қийматларини олиши мумкин; m_j - мос баъоларнинг такрорланиш сони; N - тажрибада иштирок этаётган ўқувчилар сони.

2) биз ишлаб чиққан методиканинг анъанавий ўқитиш тизимидан самарадорлигини баъоловчи тажриба ва назорат синфлари баъоларининг ўрта

арифметик қийматлари нисбати η - самарадорлик коэффициенти $\eta = X_T/X_H$ дан. Бу ерда X_T - тажриба синфида ўзлаштириш баъоларининг ўрта арифметик қиймати, X_H - назорат синфида ўзлаштириш баъоларининг ўрта арифметик қиймати. Олинган натижаларнинг ишончилигини баъолаш учун педагогик тажрибада тасодифий миқдор математик кутилмасининг назарий қиймати учун ишончилик оралиқи ҳам аниқланди. Тажрибамиздаги бу оралиқ миқдор ўзлаштириш баъолари ўрта арифметик қийматини ифодаловчи X дир.

Δ ишончилилик эътимоли оралиқи қуйидаги формуладан аниқланади:

$$\Delta = t_{g,m} * \tau^* / \sqrt{N-1},$$

бу ерда $t_{g,m}$ - эркинлик даражаси ($M=N-1$) қийматига ҳамда қиймати "X" параметрининг ишончилилик оралиқига тегишли бўлмаслиги рост қийматининг эътимоллик фоизи ва (85) даги жадвал билан аниқланувчи g миқдорга бошлиқ бўлган коэффициент; τ^* - ўртача квадратик четланиш бўлиб, $\tau^* = \sqrt{\Delta^*}$ ва D^* - дисперсиянинг эмпирик қиймати; N - тажрибада иштирок этаётган ўқувчилар сони.

Илмий тадқиқотнинг боришида тўпланган фактлар диссертациянинг кириш қисмида айтилган қуйидаги илмий фаразнинг тўғрилигини исботлайди. Ўқувчиларни таълим жараёни субъектига айлантириш, уларнинг реал билиш имкониятлари, тараққиёт даражаси, тафаккурига мос, ўзлаштириш объектларига мос таълим тамойиллари, воситалари, усуллари ташкилий шакллари тизимини асослаш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий қилиш йўли билан бошланғич таълимда психодидактик тамойилларга асосланган риволантирувчи таълим технологиясини қўллаш тез ўзгарувчан ҳозирги шароитда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлган, турли ижтимоий шарт-шароит ва вазиятларни тўғри баҳолай оладиган ва уларга тез мослаша оладиган шахсни шакллантириши мумкин.

Хулоса

Миллий педагогикамизни ривожлантириш жараёнида республикамиз таълим тизимининг замонавий механизмини шакллантириш ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларни тезлаштиришни талаб этмоқда. Бунини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири мамлакат меҳнаткашларининг, хусусан ёшлар таълим-тарбияси билан шуғулланувчиларнинг касб малакалари ва маҳоратларини такомиллаштириш эҳтиёжини туғдирди. Бугунги кунда ахборотлар оқимининг кескин кўпайиши, ривожланиши, илмий-техникавий тараққиётнинг жадаллашувига, мавжуд педагогик-психологик, методик, амалий тайёргарликнинг маълум даражада “эскириши”га олиб келди ва бу ўз навбатида педагогик меҳнат билан шуғулланувчиларнинг касбий маҳорати, ижодкорлигини ривожлантиришга эътиборни янада кўпроқ қаратиш лозимлигини тақозо этди.

Диссертацияда ўрганилган муаммо – Ўзбекистон ва ривожланган Осиё давлатларида педагогик технологияларни қўллашнинг психо-дидактик асослари муаммоси бўйича, яъни Осиё ривожланган давлатлари илғор педагогик технологияларини юртимиз педагогикаси амалиётига жорий этишнинг психо–дидактик асосларининг ўрганилганиш даражаси ва амалга оширилган тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар бўйича қуйдаги хулоса мулоҳазаларни келтиршимиз мумкин бўлади:

1. Мавзу нисбатан янги илмий тадқиқот йўналиши бўлиб, унга хос маълумотларда купинча ахборот мазмуни устиворлигидан келиб чиққан ҳолда унинг ўрганилганиш жараёни ҳали бошланиш арафасида десак хато қилмаган буламиз.

2. Янги илмий тадқиқот йўналиши сифатида мавзудаги изланишларнинг тасодиқий лавҳали мазмун-моҳиятини инобатга оладиган бўлсак, бу йўналиш тарқоқ тизимга эга бўлган алоҳида махсус илмий – услубий изланишларни тақозо этаётганлигини тарқоқ қулатамиз.

3. Мавзуни тўлақонли ёритиш жуда катта ҳажмдаги маълумотларнинг ичидан айнан шу соҳадаги тегишлиларини саралаб олиб, уларни чуқур илмий-

амалий таҳлил этиш ва уларни бевосита амалиётга кенг татбиқ этишни талаб қилади.

4. Японияда, Хитойда ва Жанубий Кореяда бу жараён маҳаллий менталитет асосларига таяниб турлича кечган бўлсада, уларни умумлаштириб турувчи шундай томонлар борки, уни қуйдаги умумий жиҳатларида кузатиш мумкин бўлади:

- уларнинг ҳар бирида таълим – тарбия тизимининг қадимий бой анъаналарга эга эканлиги ва таълим – тарбия соҳадасининг жамиятда юқори ҳурмат даражасида юксак тутилиши;
- улардаги ҳар бир халқнинг илмга ташналиги ва билимларни ўзлаштириш жараёнида изчил ҳаракат қилувчи меҳнаткашлиги ва сабр – тоқат эканлиги;
- уларда таълим тарбияга нисбатан жамиятда катта эҳтиёжнинг мавжудлиги ва унинг амалиёт билан бевосита қаттиқ боғлиқлиги;
- уларда таълим – тарбия тизимида давлат марказий ва ижтимоий – иқтисодий фондлардан ажратиладиган маблағларнинг жуда юқори даражада эканлиги.

5. Осиё давлатлари педагогикасида учрайдиган ёшларга нисбатан «меҳнатталаб ёндошув» болаларда мустақил ўқиш ва ўз саводини чиқаришда ўқитувчи билан баробар бир хилда ҳаракат қилишини рағбатлантиради. Ўз навбатида саводхонлик бўйича бундай ҳамкор меҳнат болалар нутқининг тўғри йўналишда шаклланишига олиб келади.

6. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим сиёсатида ёш авлодни интеллектуал ва ахлоқий ривожлантиришга, яъни уларда мақсадли танқидий ва ижодий тафаккурни шакллантириш, ўқувчиларнинг ахборот компетенциялари, тез ўзгарувчан шароитга мос ижтимоий адаптацияга эга бўлиш малакаларини шакллантиришга эътибор қаратади.

7. Ривожлантирувчи таълим назарияси ва амалиёти **психо-дидактик парадигма** орқали асосланади. Бунинг замирида эса бола ривожланишининг психологик қонуниятлари ҳамда ўқувчининг билув ва шахсий ривожланиши

устиворлиги ётади. Шунингдек, психик ривожланишнинг ёш давлари, яқин ривожланиш зонасига йўналганлик, фаолиятнинг етакчи типлари, таълим ва ривожланишнинг ўзаро алоқадорлиги ҳам муҳим асос саналади.

8. Ҳозиргача бўлган педагогик фанлар тизимидаги манбааларда психодидактика атамаси учрамасада, у замонавий таълим ва тарбия тизимига кенг кўламда кириб келмоқда. Янги ярим тармоқ, педагогик, психологик билимларнинг янги соҳаси бўлган психодидактика бу давр талабидир.

9. Япон мутахассиси Т.Сакамотонинг фикрича, педагогик технология бу педагогикадаги фикрлашнинг тизимлаш усулини қўллаш бўлиб, буни бошқача қилиб айтсак, таълимни тизимлаштириш ёки “синф таълимини тизимлаштириш”дир.

10. Кунчиқар мамлакатда фуқаро тарбияси «ахлоқий тарбия» тизими доирасида амалга оширилади. Расмий ҳужжатларда «ахлоқий тарбия» тизими қуйидагича номланади: 1) «ҳарактерни шакллантиришга йўналтирилган таълим»; 2) «давлат учун мақбул ахлоқий сифатларни тарбиялашга қаратилган фаолият»; 3) «фуқаролик ахлоқи асосларини тарбиялаш».

11. Япония менежментининг олтин қондасига кўра, инсондан қимматроқ бойлик йўқ. Япон кишисида қуйидаги қадрият ва сифатлар қарор топтирилади: меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характериға хос хусусиятлар саналади.

12. Япон кишисига мактабдаёқ қуйидаги ғоялар сингдирилади: 1) «Фақат тиришқоқлик ва меҳнат билан муваффақиятга эришиш мумкин», 2) «Ўз устингда тинимсиз ишла, шунда бировдан кам бўлмайсан». Бу каби ғоялар таъсирида улғайган япон кишиси ўзининг барча ҳаракатларини қуйидаги мантиққа бўйсундиради: «Бор имкониятларингни ишга сол!»

13. Жанубий Корея илғор педагогик технологиялари психо-дидактик асослари ҳам Япония педагогик тизимидаги каби ўзига хос хусусиятларга эгадир:

- Жанубий Корея таълим – тарбия тизимидаги асосий устивор жихат бу бизнинг ҳалқимизга хос бўлган болажонлик ва унинг тарбиясига

нисбатан ўта жиддий ёндошиш, яъни «бола азиз, тарбияси эса ундан азиз» тамойили буйича ёндошувидир;

- Жанубий Корея умумкорейс яхлит маданиятининг ажралмас бир қисми бўлиб, у корейс маънавий – маърифат менталитетида албатта миллий тамаддун тўлақонлилигини тақозо этади;
- Жанубий Корея таълим – тарбия тизимида хитой, япон, манжур, муғул жиҳатларининг тарихий қўшилиб кетиши натижасида ўзига хос бир мултимаданият тизими юзага келганки, у барча даврларда бир хил яшовчанлик иммунитетини ҳосил қилган;
- Жанубий Корея таълим – тарбия анъаналарида давлат таъсирининг ҳал қилувчи кучга эга эканлиги ҳар қандай янги технология буйича ишларнинг давлат кузатиш доирасида қўплаб қувватланишида ўз аксини топади.

14. Хитойда ҳозирда 2020-йилгача мулжалланган таълим тизими ислохотлари амалга оширилмоқда. Унинг бош мақсади таълим – тарбия соҳасида бутунлай янги ўзгача бир замонавий илғор асосли самарали тизимни яратишдан иборатдир.

15. Илмий тадқиқотнинг боришида тўпланган фактлар диссертациянинг кириш қисмида айтилган қуйидаги илмий фаразнинг тўғрилигини исботлайди. Ўқувчиларни таълим жараёни субъектига айлантириш, уларнинг реал билиш имкониятлари, тараққиёт даражаси, тафаккурига мос, ўзлаштириш объектларига мос таълим тамойиллари, воситалари, усуллари ташкилий шакллари тизимини асослаш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий қилиш йўли билан бошланғич таълимда психодидактик тамойилларга асосланган риволантирувчи таълим технологиясини қўллаш тез ўзгарувчан ҳозирги шароитда амалий кўникма ва малакаларга эга бўлган, турли ижтимоий шарт-шароит ва вазиятларни тўғри баҳолай оладиган ва уларга тез мослаша оладиган шахсни шакллантириши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 асрга интилоқда. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз”. –Т.: Ўзбекистон, 2000. - 366 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
5. Турк таълим тизими. Хорижда таълим — Т., 44 б.
6. Ўзбекистон - Туркия: Маориф буйича ҳамкорликнинг илк ҳужжатлари. Маър.1992 й. 4 февраль,
7. Жовлиев Б. Таълимда ҳамкорлик дастури самаралари. Ўзбекистон - АКШ, Маър. 2002 йил 27 март.
8. Махмудов Н., Компьютерни билмаган педагог йўқ. Хорижда таълим. Маър.2002-13 июль.
9. Усмонов Н. Японияда бола тарбияси . Маър. 2002-13 март.
10. Иванова А. Ўзбекистон -Германия таълим соҳасидаги ҳамкорлик. Халқ сўзи. 2002 йил 13 март.
11. Усмонов Н. Германияда касб-хунар таълими. Хорижда таълим. Маър. 2002 йил 13 февраль.
12. Швеция олий Ўқув юртлари: Хорижда таълим. Маър, 2002 йил 23 январь.
13. Салимова Н. Буюк Британия, Финляндия: Хорижда таълим. Маърифат. 2001, 25 март.
14. Жураев П. «Яшиллик мамлакати» талабалари: Хорижда таълим.

- 15.Хакимов М. АКШда ҳуқуқий таълим тизими: Хорижда таълим: Инсон ва Конун. 2001 йил, 14 август.
- 16.Рўзиев У., Номозов С. Корея - илмга чанқоқлар мамлакати. Жанубий Кореяда таълим хакида. Туркистон. 2001 йил 11 август.
- 17.Большой психологический словарь. / под ред. Б.Г. Мещерякова, В.П. Зинченко. - М.: ОЛМА-ПРЕСС, 2003.
- 18.Виджетти М.С. Образование. Самопознание и формирование теоретического мышления. // Образование и социальные вызовы XXI века. - М.: ИНИМ РАО, 2010.
- 19.Виноградова Н.Ф. Не только учить, но и развивать. Проблемы реализации государственного стандарта начального общего образования. // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/41-04/80-vinogradova>.
- 20.Гельфман Э., Холодная М. Психодидактика школьного учебника. Интеллектуальное воспитание учащихся. - М.: Питер, 2006.
- 21.Давыдов В.В. Теория развивающего обучения. - М., 1996.
- 22.Данилов М.А., Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1957.
- 23.Дистервег А. Избранные педагогические сочинения. - М.: Гос. учебно-педагогическое изд-во МП РСФСР, 1956.
- 24.Дьюи Д. Демократия и образование / пер. с англ.яз. - М., 2000.
- 25.Зинченко В.П. Психологические основы педагогики. - М., 2002.
- 26.Коменский Я.А. Великая дидактики // Хрестоматия по зарубежной педагогике / Сост. А.И. Пискунов. – М.: Просвещение, 1981.
- 27.Концепция федеральных государственных образовательных стандартов общего образования. (Стандарты второго поколения) – М.: Просвещение, 2008.
- 28.Крутской А.Н. Психодидактика и перспективы её дальнейшего развития. // Школьные технологии, 2011. № 2,3.
- 29.Куписевич Ч. Основы общей дидактики / пер. с польского О.В. Долженко. – М.: Высшая школа, 1986.

30.Лебедева В.П. Формирование универсальных учебных действий при работе с информацией. // Журнал научно-педагогической информации. 2011. № 3. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/63-03/192-lebedeva>.

31.Лебедева В.П. Развивающее образование в педагогической инноватике. // Журнал научно-педагогической информации. 2011. № 2. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/64-02/217-lebedeva>.

32.Лебедева В.П. От воздействия к взаимодействию в системе отношений "учитель - ученик". // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 5. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/42-05/83-lebedeva>.

33.Лебедева В.П., Лукьянова З.В. Культурно-исторический дискурс в профильном развивающем образовании. // Журнал научно-педагогической информации. 2009. № 3. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2009/75-03/141-lebedevalukyanova>.

34.Лебедева В.П., Орлов В.А., Панов В.И. Практико-ориентированные подходы к развивающему образованию. - М.: Педагогика, 1996. № 5.

35.Литвиненко С.В. Развитие познавательной активности детей дошкольного возраста. // Журнал научно-педагогической информации. 2010. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/41-04/208-litvinenko>.

36.Мартиросян Б.П., Лебедева В.П. Проектирование образовательной системы современной школы. - М.: ИНИМ РАО, 2010.

37.Мухина С.Е. Формирование познавательных компетентностей у младших школьников. // Журнал научно педагогической информации. 2011. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/65-04/204-muhina>.

38.Оконь В. Введение в общую дидактику / пер. с польского. – М.: Высшая школа, 1990.

39.Панов В.И. Психодидактические основания развивающих образовательных систем. // Журнал научно-педагогической информации. 2011. № 4. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/65-04/220-panov>.

40.Панов В.И. Образовательные технологии в психодидактический парадигме развивающего образования. // Журнал научно-педагогической

информации. 2010. № 10. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2010/47-10/219-panov>.

41.Педагогика / под ред. Ю.К. Бабанского. – М., 1983.

42.Поляков С.Д. Психопедагогика воспитания и обучения. - М.: Новая школа, 2004.

43.Психологический словарь. - М.: Педагогика – пресс, 1996.

44.Рахимов А.З. Психодидактика: теория и практика психолого-педагогической инноватики, технологизации и акмеологизации образования. – Уфа; М.: Творчество, 2003.

45.Рубцов В.В., Панов В.И., Лебедева В.П. От развивающего обучения к развивающему образованию. - М.: ИНИМ РАО, 2010.

46.Самохина С.Л. Развитие познавательных способностей и навыков продуктивной познавательной деятельности учеников 1 класса на материале математики. // Журнал научно педагогической информации. 2011. № 2. [Электронный ресурс] / <http://www.paedagogia.ru/2011/64-02/202-samohina>.

47.Сериков В.В. Образование и личность. - М., 1999.

48.Сластенин В.А., Исаев И.Ф., Шиянов Е.Н. Педагогика. Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / <http://lib.rus.ec/b/194060/read> 8.

49.Стоунс Эдгар. Психопедагогика. - М., 1984.

50.Суслова Т.И. ПОЛИДИСЦИПЛИНАРНОСТЬ В ГУМАНИТАРНЫХ НАУКАХ // Современные проблемы науки и образования. 2009. № 6. С. 102. / URL: www.science-education.ru/34-1358 (дата обращения: 24.07.2011).

51.Талызина Н.Ф. Предисловие редактора перевода к книге Э. Стоунса // Стоунс Э. Психопедагогика. Психологическая теория и практика обучения. - М.: Педагогика, 1984.

52.Учителю об одаренных детях / под ред. В.П. Лебедевой, В.И. Панова. - М.: Молодая гвардия, 1997.

53.Учителю о психологии / под ред. В.П. Лебедевой, В.И. Панова. - М.: Молодая гвардия, 1997.

54. Учителю о развивающем образовании / под ред. В.Е. Усанова. - М.: Институт научной информации и мониторинга, 2010.
55. Ушинский К.Д. Педагогические сочинения в 6 томах / сост. С. Егоров. - М.: Просвещение, 1990.
56. Ушинский К.Д. Собр. соч в 10 т. – М.: Учпедгиз, 1939.
57. Фридман Л.М. Психопедагогика общего образования. - М.: Институт практической психологии, 1997.
58. Харламов И.Ф. Педагогика. – М., 1990.
59. Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб.: ПИТЕР, 2001.
60. Саидов М., Бокиева Г. Америка Университетида ўқув фаолияти ҳақида. Маър. 2000 йил 25 ноябрь.
61. Саъдиев Ж. Икки юрт таълими истиклол йилларида. Хорижий таълим. Маър. 2000 30 сентябр.
62. Ботиров Б. Хорижлик талабанинг бир куни. Данияда талабалар ўқиш жараёнида. Маър. 2000 йил. 20 май.
63. Хужасва Д. Испанияга килган сафар. Маър. 2000 йил. 17 май.